Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 215 (7957).

14 ноябрь 1982 йил, якшанба

Баҳоси 3 тийин.

Совет кишилари улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, партия ва халқнинг буюк фарзанди, тинчлик ва коммунизм учун оташин курашчи Леонид Ильич Брежневнинг ёрқин хотирасини ҳамиша дилда сақлаб, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан эришилган муваффақиятларни кўпайтиришга азму қарор бермоқдалар.

МОСКВА Л. И. БРЕЖНЕВ БИЛАН ВИДОЛАШМОҚДА

Пойтахт майдонлари ва кўчаларида мотам ленталари тақилган Қизил байроқлар қуйи эгиб қўйилган. Москваликлар, барча совет кишилари Леонид Ильич Брежнев билан видолашмоқдалар.

Союзлар уйининг колонна зали. Минглаб совет кишилари — турли авлодларнинг намояндалари, ҳар хил касб ва тақдир кишилари марҳум жасади солинган тобут ёнидан ўтмоқдалар. Леонид Ильичнинг номи уларнинг ҳаммалари учун бениҳоя яқин ва азиздир, унинг сермазмун ҳаёти ва кўп қиррали фаолияти Ватанимизи тарихидан, партия билан халқнинг манфаатлари ва муддаоларидан ажралмасдир.

Шу куни пойтахтнинг Свердлов райони меҳнаткашлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли раҳбарига биринчи бўлиб чуқур ҳурмат бажо этдилар. Таниқли актёрлар, ҳонандалар, созандалар колонна залига келдилар. Улар совет кишиларининг маънавий камолотига кўп эътибор берган, ўз ижоди билан совет халқи маданиятининг хазинасига шаҳсан ҳисса қўшган инсонга, давлат арбобига чексиз миннатдорчилик изҳор этдилар.

Л. И. Брежневнинг мамлакат кишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизмати бебаҳодир. У кўп йиллар мобайнида ер билан боғлиқ бўлди, деҳқонлар меҳнатини яхши билди. Леонид Ильич ер тузувчилар то Қозоғистон даштларининг заб ҳкорлари ибораси билан айтганда, «қўриқ командармиз»гача бўлган йўлни босиб ўтди. Москва области колхоз ва совхозларининг меҳнатчилари ҳам партия аграр сиёсатининг ижодкори билан видолашар эканлар, мамлакат Озиқ-овқат программасининг асоси бўлмиш далалар ҳосилдорлигини ва фермалар маҳсулдорлигини ўз меҳнатлари билан кўпайтиришга азму қарор берганликларини билдирдилар.

Совет кишилари мамлакатимиз халқларининг кўп миллатли оиласини жипслаштириш ишига бебаҳо ҳисса қўшганлиги учун Леонид Ильичга офарин айтмоқдалар.

Мамлакатдаги кўпгина миллат ва элатларнинг намояндалари колонна залидан ўтадилар. Конституция комиссиясининг раиси ўртоқ Л. И. Брежнев раҳбарлигида ишлаб чиқилган СССРнинг янги Конституцияси социалистик демократия тантанасининг яққол далили бўлди.

...Зал гумбази остида мотам куйлари таралади. Фахрий қоровул ҳар уч минутда ўзгариб туради. Донгдор меҳнат соҳиблари — ишлаб чиқариш илғорлари, партия ва совет ходимлари, таниқли фан ва маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари, ҳарбий хизматчилар тобут ёнида мотам вахтасида турадилар.

Л. И. Брежнев халқ орасидан етишиб чиқди, халқ учун яшади. Азиз инсон билан видолашиш учун келган москваликларнинг кўплари уни шаҳсан танир эдилар, унинг собиқдамлигидан, партиявий принципиаллигидан, энг мураккаб масалаларни ҳал этиш маҳоратидан ибрат олар эдилар. Сайқаллаш станоклари заводининг йиғувчи слесари А. Корсаков бундай дейди:

— Индустриямиз камол топишининг катта босқичлари, экономикадаги энг муҳим ютуқлар Леонид Ильичнинг номи билан боғлиқдир. Пойтахтимизни намунали коммунистик шаҳарга айлантириш ғоясини айни Л. И. Брежнев майдонга ташлаганлиги москвалик бўлганим учун менга айниқса қадрлидир.

— Бизнинг институтимиз энг мураккаб минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи машина-ускуналар яратиш соҳасида етакчи муассасадир, — дейди химия машинасозлиги илмий-тадқиқот институтининг директори Н. Самсонов. — Биз Леонид Ильичнинг илм-фанни ривожлантириш тўғрисидаги, жумладан институтимизни ривожлантириш ҳақидаги эўр ғамхўрлигини доимо сезиб турар эдик.

Тобут супачаси ёнига, Колонна зали деворлари бўйлаб, Союзлар уйининг фойесига юзлаб гулчамбарлар қўйилган. Улар орасида Ўртоқ Л. И. Брежневнинг юртдошлари — Днепродзержинск ва Днепропетровск меҳнаткашларидан ҳам гулчамбарлар бор. Леонид Ильич шу ерда металлург ишчи оиласида дунёга келган эди. Шу ердан у ишчидан то Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбаригача бўлган шонли йўлни бошлаган эди.

18-армиянинг сочларига оқ оралаган ветеранлари ўзининг шаҳсий намунаси билан Улуғ Ватан уруши йилларида солдат ва офицерларни Ватан манфаатлари йўлида ва Ер юзида тинчлик бўлиши йўлида жасоратга руҳлантирган ўз полкдошининг абадий хотираси олдида таъзим қиладилар. Унинг жанговар ўғлонлари ва ўртоқлари шу ерда, мотамона Колонна залида туриб табаррук Кичик ерни ҳам, сиёсий комиссар Л. И. Брежнев ҳамиша биринчи сафларда бўлган бошқа кўпгина жанговар жадалларни ҳам эсга оладилар.

Залга ҳарбий билим юртларининг курсантлари кириб келадилар. Улар 18-армиянинг, жангларда шуҳрат қозонган бошқа ҳарбий қўшилмаларнинг шонли жанговар анъаналарини кўпайтирмоқдалар. Совет Қуролли Кучларини мустаҳкамлаш учун СССР Мудофаа Кенгашининг Раиси, Совет Иттифоқи Маршали Л. И. Брежнев нақадар кўп иш қилганини ёш жангчилар яхши биладилар. Улар Ватанимизнинг хавфсизлиги ва озодлигини кўз қорачиғидек қўриқлашга тайёрдирлар.

Мана шундай йигитлардан кўпларига космос сафари олдидан Леонид Ильич оталарча оқ йўл тилаб қолган эди. Партия мамлакатимизнинг космик фазони ўзлаштиришдаги дастлабки тадбирларини амалга оширишни унга ишониб топширган эди. Союзлар уйига келган космонавт учувчилар ҳам, янги космик кемаларнинг конструкторлари ҳам мамлакатда энг замонавий космик техника бунёд этилишига актив кўмаклашган инсон олдида бошларини эгадилар.

Турли авлодларга мансуб кишилар қайғули сукунатда ўтадилар, меҳнат ва уруш ветеранлари ёнида ёш ишчилар, мутахассислар, студентлар, ўқувчилар ҳам бор. Ўзининг бутун умрини сўнгги кунигача уларнинг порлоқ ва гўзал келажаги тўғрисида ғамхўрлик қилишга бағишлаган кишидан жудо бўлиш улар учун бениҳоя оғирдир.

— Жонажон Коммунистик партиянинг ғамхўрлигига жавобан, — дейди Москва темир йўл транспорти инженерлари институти комсомол комитетининг секретари С. Нацаев, — Леонид Ильичнинг васиятларини бажариб, коммунистик қурилишда актив қатнашиш учун фанларни янада чуқурроқ эгаллашга интиламиз.

Л. И. Брежнев мустамлакачилик зулмидан халос бўлиб, социалистик ривожланишни кўзлаш йўлига, социализм учун кураш йўлига ўтган мамлакатлар билан, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун курашаётган барча халқлар билан самарали ҳар томонлама алоқалар ўрнатилишига кўмаклашди. 13 ноябрь куни Чили Компартиясининг Бош секретари Луис Корвалан, Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Родней Арисменди, Боливия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Хорхе Колле, Гондурас Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Риго берто Падилья, Жанубий Африка Компартияси Бош секретари Мозес Мабида, Сурия Араб Социалистик уйғониш партияси Бош секретарининг ўринбосари Абдалла ал-Ахмар, Миср Миллий тараққийпарвар сўл партиясининг Бош секретари Холид Мохидин, дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги коммунистик, ишчи ва халқ демократик партияларининг бошқа вакиллари Леонид Ильич Брежнев билан видолашиш учун Союзлар уйига келдилар.

Л. И. Брежнев Совет Иттифоқининг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан, дунёнинг бошқа давлатлари билан иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигига эўр эътибор бериб келди. У социалистик мамлакатларнинг хўжалик жиҳатдан янада яқинлашувига кўмаклашувчи ташкилот — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашини мустаҳкамлашга муҳим аҳамият берди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида қатнашувчи мамлакатларнинг вакиллари Л. И. Брежневга чуқур ҳурмат бажо этдилар.

Совет давлати бошлиғининг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдириш учун 112 мамлакатнинг СССРдаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари Колонна залига келдилар.

Бутун Россия патриархи Пимен ва рус православие черкови олий руҳонийларининг бошқа намояндалари Леонид Ильич Брежневнинг порлоқ хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

...Леонид Ильич Брежнев билан видолашиш учун келаётган кишиларнинг кети узилмайди. Оғир мусибат дамларида совет халқи ўз сафларини КПССнинг ленинчи Марказий Комитети теварагида янада маҳкамроқ жипслаштирмоқда, Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини сидқидилдан қўллаб-қувватламоқда.

(ТАСС).

Халққа хизмат қилишнинг юксак намунаси

Леонид Ильич Брежневнинг вафоти тўғрисидаги хабар совет кишиларини, бутун тараққийпарвар инсониятни чуқур қайғуга солди. Мамлакатимизда ўтказилаётган мотам митингларида меҳнаткашлар партия билан халқнинг содиқ фарзанди хотирасига чуқур ҳурмат бажо этмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми қарорларини якдиллик билан маъқуллаб, социалистик Ватанимизни янада равнақ топтиришга асосий интилишларини билдирмоқдалар.

Л. И. Брежневнинг ҳаёти ва фаолияти Москва билан чамбарчас боғланган. Пойтахт меҳнатчилари уни кўп марталаб СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлигига сайлаган эдилар.

— Мен Леонид Ильич Брежневнинг ишончли вакили бўлиш ва унга Россия Федерацияси Олий Советининг депутати гувоҳномасини топшириш катта шарафга муяссар бўлган эдим, — деди Москва автотрактор электр аппаратлари заводи коллективининг митингида йиғувчи слесарь Н. Гуськова. — Бизнинг депутатимиз пойтахтни ҳар томонлама ривожлантириш ҳақида, аҳолисининг эҳтиёжлари тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келди.

Леонид Ильич Брежнев москволиклар хотирасида ленинча ғоявийлик, меҳнат аҳлининг манфаатлари учун, ер юзида тинчлик учун курашда матонат ва собиқдамликнинг сўнмас намунаси бўлиб қолади. Биз ўз сафларимизни янада маҳкамроқ жипслаштирамиз, фидокорона, иқтидорли меҳнат қилиб, коммунистик қурилиш планларининг бажарилишини таъминлаймиз, СССР Медицина Фанлари академияси Бутуниттифоқ онкология илмий марказининг мажлислар залида бўлиб ўтган митинг қатнашчилари Л. И. Брежнев хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

— Леонид Ильич қалби дарё инсон, атоқли давлат арбоби эди, совет кишиларининг фаровонлигини ўстириш, халқ соғлиғини сақлашни ривожлантириш ҳақида эўр ғамхўрлик қилар эди, — деб таъкидлади марказ директори академик Н. Блохин. — Тинчлик ва бунёдкорлик меҳнати йиллари Леонид Ильич Брежневнинг номи билан боғланган. Унга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти берилганлиги унинг тинчликни ҳимоя қилиш ишидаги жуда катта хизматлари эътирофи бўлди.

Брежнево қишлоғидаги митингга Курск областидаги «КПСС ХХ съезди» колхозининг механизаторлари ва чорвадорлари, қўшни хўжаликларнинг меҳнатчилари келдилар.

— Илья Яковлевич Брежнев оиласи билан олис Каменск (ҳозирги Днепродзержинск)дан қайтиб келган пайтни кўпларимиз эслаймиз, — деди колхоз ветерани М. Брежнев. — Унинг меҳнатсевар ўғли Леонид галла эккани ва ҳосилни ўриб олгани ёдимизда. Леонид Ильич мана шу Курск диёрида деҳқон ҳаёти нималигини билди, галлакор меҳнатини севиб қолди. Ҳамқишлоқлари унинг хотирасини ҳамиша эслаб юрадилар.

Қаҳрамон шаҳар — Новороссийск меҳнаткашлари Леонид Ильичнинг вафоти муносабати билан чуқур мотамдадирлар. Улуғ Ватан уруши йилларида 18-армия Сиёсий бўлимининг бошлиғи бўлган Л. И. Брежнев шу ерда, йилларда достон бўлган Кичик Ердаги жангларда актив қатнашган эди.

«Октябрь» цемент заводи коллективининг митингида сўзга чиққан слесарь А. Чернявский бундай деди:

— Жонажон партиямиз, бутун совет халқи оғир жудоликка учрадилар. Ишчилар синфи орасидан етишиб чиққан Леонид Ильич Брежнев Ленин ғояларини турмушга татбиқ этиш йўлида, халқимизнинг тинчлиги ва эсон-омонлиги йўлида фидокорлик билан курашди. Биз оғир жудоликдан қайтурмоқдамиз ва бутун кучимиз, билимимизни Советлар мамлакатининг қўдратини мустаҳкамлаш ишига сарфлаймиз, деб партия билан ҳукуматга ваъда берамиз.

18-армиянинг жанглар бўлиб ўтган жойларга келган ветеранлари митингида Кичик ерлик С. Григорьев сўзга чиқди.

— Полкдошимиз Леонид Ильич Брежневнинг вафоти тўғрисидаги хабар бизни чуқур қайғу ва мусибатга солди, деди уруш ветерани. У душманга қарши шиддатли жангларда доимо биз солдатлар билан бирга бўлди ва ҳамиша қалбимизда сақланиб қолади.

Боку рўзғор кондиционерлари заводининг юзлаб ишчи ва хизматчилари мотам митингига келдилар.

— Барча совет кишилари каби Озарбайжон халқи ҳам экономика, фан, ва маданиятни ривожлантиришда эришилган катта-катта муваффақиятлар Леонид Ильич Брежневнинг номи билан боғлиқ деб ҳисоблайди, — деб уқтирди электромонтер А. Мустафоев. — Заводимиз коллективи 1978 йилнинг сентябрь кунларини яхши эслайди. Ўша кунлари Л. И. Брежнев корхонамизга келган эди. Леонид Ильичнинг самимий, дилкаш суҳбатларини, амалий мулоҳазаларини, яхши маслаҳатларини ҳеч қачон унутмаймиз, унинг маслаҳатлари ҳозир ҳам ишимизда ёрдам бермоқда.

М. В. Фрунзе номидаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг бош йиғув цехи мотам либосида. Меҳнат ветерани слесарь В. Ястребков микрофон ёнига келди.

Коммунистик партия, бутун совет халқи бошига оғир мусибат тушди, — деди у. — Корхонамиз коллективи Қирғизистон ССР меҳнатчиларини ўз сафларини КПСС теварагида маҳкамроқ жипслаштиришга, юксак онглилик ва уюшқоқлик кўрсатишга, фидокорона меҳнат қилиб, беш йиллик топшириқларнинг бажарилишини таъминлашга чақиради.

«Ленинградский металлический завод» бирлашмасида, Магадан областидаги «Беринговская» шахтасида, Карелия АССРдаги Пяозер ўрмончилик хўжалигида, С. Оржоникидзе номидаги Харьков трактор заводида, Тува АССРдаги «Чаадабажи» совхозида, Москва областидаги М. Ф. Владимирский номли клиника илмий-тадқиқот институтида, Тбилиси давлат университетида, мамлакатнинг бошқа меҳнат коллективларида ҳам митинглар бўлиб ўтди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТЛАРИ ВА МЕҲНАТКАШЛАРИДАН

Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, тинчлик ва инсон бахт-саодати учун толмас курашчи, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев вафоти муносабати билан чуқур қайғурмоқдалар. Партиямиз, бутун совет халқи оғир жудоликка учради, содиқ марксчи-ленинчи, замонамизнинг атоқли давлат ва сиёсат арбоби, оташин революционер, истеъдодли назариётчи, партиямиз ва мамлакатимизнинг атоқли ташкилотчиси ва раҳбари ҳаётдан кўз юмди. Леонид Ильич Брежневнинг бутун ёрқин ҳаёти ва фаолияти — коммунизм порлоқ идеалларига, улуғ Ленинизм ва ядро уруши хавфини бартараф этиш учун курашда Леонид Ильич Брежневнинг хизматлари ғоят каттадир. Мана шу мотам кунларида социалистик интернационализм ленинча принципларига, СССР халқлари қардошларча бузилмас дўстлигига содиқ бўлган Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан ленинча партия Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси теварагида яна ҳам маҳкамроқ жипслашмоқдалар. Улар КПСС XXVI съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга, ўн биринчи беш йилликни, СССР Озиқ-овқат программасини бажаришга, коммунистик қурилиш улуғвор режаларини амалга оширишга қўшадиган ҳиссаларини кун сайин кўпайтиришга азму қарор қилгандирлар.

Содиқ марксчи-ленинчи, Коммунистик партия ва совет халқининг, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг, жаҳон коммунистик ва миллий озодлик ҳаракатларининг атоқли арбоби, бутун планетадаги халқлар тинчлиги ва ҳамкорлиги учун толмас курашчи Леонид Ильич Брежневнинг порлоқ хотираси Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари, зиёлилари, барча меҳнаткашлари қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Москва Л. И. Брежнев билан видолашмоқда.

В. Мусазлян ва Э. Песов (ТАСС—ЎзТАГ) телефотоси.

Леонид Ильич БРЕЖНЕВ

«ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВ ХОТИРАСИГА»

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонасида «Леонид Ильич Брежнев хотирасига» китобрасм кўргазмаси очилди. Ватанимиздаги, чет эллардаги ўнлаб халқлар тилларидаги тўпламлар, журнал мақолалари, газета материаллари замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбобининг ҳаёт йўли ҳақида, унинг инсоният порлоқ идеаллари учун, бутун дунёда тинчлик учун тинимсиз кураши тўғрисида ҳикоя қилади.

Кўргазма стендларида — Л. И. Брежневнинг Болгария, Чехословакия, Монголия, ГДР, ГФР, Франция, Англияда ҳамда кўпгина бошқа мамлакатларда нашр этилган китоблари, мақола ва нутқлари тўпламлари қўйилган.

Кўргазманинг бўлимларидан бири Леонид Ильичнинг Ўзбекистон меҳнаткашлари билан учрашувлари тўғрисида ҳикоя қилади.

(ЎзТАГ).

Тошкент агрегат заводида Леонид Ильич Брежнев вафоти муносабати билан мотам митинги бўлиб ўтди. Минбарда завод Улуғ Ватан уруши ветеранлари комитетининг раиси Я. Б. Розенгультор. А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

ЛЕНИН КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

Леонид Ильич Брежнев ҳаётдан кўз юмди. Барча совет кишилари, чет эллардаги барча дўстларимиз кўп йиллар давомида Ер юзида амалга оширилган эзгу, улуғвор ишларни унинг номи билан боғлайдилар. Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун қатъият билан олиб бориладиган кураш, совет экономикасини ривожлантиришда, халқ фаровонлигини оширишда эришилган кўпдан-кўп ютуқлар, партия ва давлат ҳаётида ленинча нормаларнинг қарор топиши, совет демократиясининг такомиллаштирилиши, мамлакатнинг мудофаа қудрати ўсганлиги — мана шу ишларнинг ҳаммасида халқ орасидан чиққан, халқ учун яшаган ва минглаб ришта орқали меҳнаткашлар оммаси билан боғланган оташин революционер, интернационалист ва меҳнаткаш инсоннинг бебаҳо ҳиссаси бор.

Бутун мамлакатда бўлгани сингари бизнинг «Ташсельмаш» заводимизда ҳам кўп йиллар Леонид Ильич Брежнев раҳбарлик қилган партия куч-ғайратининг самараларини ҳар биримиз яққол кўриб турибмиз. Завод ўсиб, янада қудратли бўлди, пахта териш машиналаримиз янада яхшиланди. Ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги ошди, уй-жой қурилишига, моддий рағбатлантиришга ажратиладиган маблағлар кўпаймоқда. Ишлаб чиқаришни бошқариш такомиллаштирилмоқда, ишни ташкил этишнинг илғор формаси бўлган ягона пудрат усули кенг жорий этилмоқда. Ўртоқ Брежнев планетадаги барча халқлар манфаатлари йўлидаги тинчлик учун кураш программаси бўлган янги беш йилликнинг улуғвор программасини партия ленинчи Марказий Комитети номидан ўртага қўйган КПСС XXVI съездида мен ҳам ана шундай илҳомбахш ўзгаришлар учун, яхши турмушимиз учун овоз берган эдим.

11 ноябрь куни эълон қилинган партия ва халққа мурожаат сўзлари қайғули, ва айни вақтда қатъият билан айтилган сўзлардир. Л. И. Брежневнинг ҳаёти ва фаолияти, дейилади ушбу ҳужжатда, Коммунистик партия ва совет халқига садоқат билан хизмат қилишнинг ҳамиша илҳомбахш намунаси бўлиб қолади. Леонид Ильич раҳбарлигида ишлаб чиқилган партия ички ва ташқи сиёсати, бундан буён ҳам изчиллик ва собитқадамлик билан ўтказилаверади.

Бу эса ҳозирги пайтда ҳар йиримиздан юксак ғайратлик ва уюшқоқликни талаб қилади. Бизлар бундан буён ҳам мамлакатимиз куч-қудратини фидокорона меҳнатимиз билан мустаҳкамлайберамиз, турмушимиз янада яхшироқ бўлиши учун ўз ҳиссамизни қўшаверамиз. Буюк мақсад — коммунизм йўлидан қатъият билан бораверамиз. Халқ партияга ишонади ва партия билан Ленин йўлидан олга бораверади. Бизлар Леонид Ильичнинг партия бор жойда муваффақият, галаба бор, деган илҳомбахш сўзларини ҳамиша эсда тутамиз.

Ю. СТЕПАНЕНКО,
«Ташсельмаш» заводи автоматчи токарларининг бригадири, Тошкент шаҳар Ҳамза район партия комитети бюросининг аъзоси.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТЕВАРАГИДА ЯНАДА МАҲКАМРОҚ ЖИПСЛАШАМИЗ

Тошкентдаги 1-пойабзал фабрикасининг ишчи ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев вафоти муносабати билан чуқур қайғу изҳор этиш учун мотам митингига тўпландилар.

— Бошимизга оғир кулфат тушди, — деди ишдаги ўртоқларига мурожаат қилиб заготовкачи ишчи, КПСС XXVI съезднинг делегати Ф. Аҳмедова, — Партия ва совет халқи олдида Леонид Ильичнинг хизматлари жуда каттадир, унинг ҳаёти давлатимиз тарихидаги энг муҳим босқичлар билан чамбарчас боғланган. Коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда, халқ фаровонлигини юксалтиришда, давлатимизнинг тинчликсевар сиёсатини амалга оширишга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришда Леонид Ильичнинг ҳиссаси беқиёсдир. Леонид Ильич барча совет кишилари учун гоят яқин ва азиз инсон бўлиб қолган эди. У ишчи ва деҳқонларнинг эҳтиёж ва орзу-умидларига нисбатан гоят катта эътибор ва сезгирлик билан муносабатда бўларди.

Мен КПСС XXVI съездида ишткрок этиш, Леонид Ильични кўриш, унинг нутқларини тинглаш бахтига муяссар бўлган эдим. Унинг нутқларида жамиятимизни коммунизм йўлидан янада ривожлантиришнинг бош йўли белгилаб берилди. Улим буюк инсонни сафимиздан олиб кетди. Қайғумизни сўз билан изоҳ қилиш қийин. Зарбдор меҳнатимиз билан Леонид Ильич Брежнев раҳбарлигида ишлаб чиқилган барча планларни амалга ошириш учун партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида янада маҳкамроқ жипслашишга қасамёд қиламиз.

(ЎзТАГ).

ОҒИР ЖУДОЛИК

Буюк қалб уришдан тўхтади...

Менинг қалбим ҳам, мен кўриб турган бутун борлиқ ҳам тухтаб қолгандай. Ер ўз ўқида айланмаётгандай, қушлар учмаётгандай, дарёлар оқмаётгандай...

Бутун олам кўз олдимда суратдай бехаракат, бутун фикру-хаёлим қутилмаган қазонинг гирдобида музлагандек. Бевакт қазо буюк инсон, совет халқларининг қадрдони, меҳрибон отасини юлиб олди. Ушбу аламли сўзларни йиғлаб ёзаётирман. Виз, қалам ахлининг вояга етишимизда улуғ устоз Леонид Ильич Брежневнинг отаҳарча меҳрибонликлари бениҳоя эди.

У жонажон партиямизнинг Бош секретари, давлатимизнинг раҳбари, Улуг Ватан уруши фронтларида қаҳрамонона жанг қилган паҳлавон саркарда, жаҳоншумул сиёсий арбоб эди. У «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ», «Эсталиклар» каби ўлмас асарлар яратган, халқларимиз жасоратини донолик билан тасвир этган беназир қалам соҳиби эди. У ўзининг меҳрибон қалби ила инсонларимизга, халқларимизни камолотга етказган улуг раҳбар эди. Жаҳон афкор оммасининг меҳр-муҳаббатини қозонган ташкилотчи, мўътабар инсон эди.

Оғир жудолик қалбимга чанг солди. Қалбимда алам, кўлимда партиямиз берган қалам, ёзув столимда нур сочиб турган унинг ҳаммамизга қадрдон суймоси, ушбу аламли сатрларни ёзаётирман. Бир мен эмас, миллионлар, совет халқлари бошига оғир жудолик мусибати тушди. Халқларимиз дардига жаҳон афкор халқлари, қадрдонларимиз — венгерлар, болгарлар, мўғуллар, чехословаклар, югославлар, ҳиндлар, афғонлар, Лотин Америкаси, Африка қитъасидаги афкор халқлар шерик бўлиб, қайғу чекмоқдалар.

Ниҳоятда оғир жудолик! Тинчлик ва тараққиёт учун курашган буюк инсон қалби тўхтади.

Озодлик ва тенглик учун курашган буюк инсон қалби тўхтади.

Бутун жаҳон халқлари қаторида қалам аҳли ҳам оғир жудоликка учради. У улуг Ленин ишининг давомчиси, унинг содиқ шогирди эди.

Биз, коммунистлар қаттиқ жудоликка учрадик, лекин унинг ўзи — қадрдонимиз Леонид Ильич Брежнев ўргатганидай, таълим берганидай, оғирлик ва жудоликни матонат билан енгамиз. Буюк Ватанимиз, жонажон партиямиз яна ҳам камол топар экан, Леонид Ильич Брежнев ҳамма вақт биз билан бирга, у доимо тирикдир!

Доҳий Ленин бошлаган ва сен давом эттирган улуг иш доимо барқарор, Ватанга, халққа садоқатимиз бизнинг юрак қасамимиздир!

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

ХОТИРАМИЗДАН СИРА ЎЧМАЙДИ

УРГАНЧ, 13 ноябрь. (ЎзТАГ). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев вафоти тўғрисидаги хабар Урганчдаги В. И. Ленин номли тикувчилик фабрикасининг меҳнаткашларини чуқур қайғуга солди. Бу ерда бўлиб ўтган мотам митингида тикувчи-моторист, Қаҳрамон она Ойбиби Раҳмонова минбарга чиқади:

— Бошимизга тушган мусибатга ишонгим келмайди, кўнгил — деди у, — биз кўп болали оналар партия ва ҳукуматнинг, азиз Леонид Ильичнинг ғамхўрлигини ҳамиша сезиб турардик. Леонид Ильичнинг юраги уриб турар экан, унинг бутун фикри-зикри ва ишлари меҳнаткашлар манфаатларига қаратилган эди. Леонид Ильич вафот этганлигига кўникиш жуда оғир, лекин бизлар партиямизга, унинг коллектив ақл-заковати ва иродасига ишонамиз. Леонид Ильич Брежнев тинчлик учун курашга, ядро ҳалокатининг олдини олишга бебаҳо ҳисса қўшди. Бугунги кундаги тинч осмонимиз у тинимсиз сарфлаган куч-ғайрат натижасидир. Улуг Ленин ишининг муносиб давомчиси Леонид Ильич Брежнев халқ учун, Ер юзидаги барча кишилар учун гоят кўп иш қилганлигини биз ҳамиша эсда сақлаймиз.

Тулмўйин гидроузелининг қурилиш майдонларида, Хива гилам комбинатида, Урганчдаги КПСС XXV съезди номли пиллакашлик фабрикасида, Урганч станцияси локомотив депосида, Хоразм областининг бошқа корхоналари ва ташкилотларида ҳам мотам митинглари бўлиб ўтди.

ДОИМО ЁДИМИЗДА

Биз шифокорлар ҳаммамиз учун азиз бўлган Леонид Ильичнинг номини зўр самимият билан тилга оламиз. Коммунистик қурилиш ишида унинг ижодий ҳиссаси ҳанчалик катта эканлигини биз ҳаммамиз яхши биламиз. Леонид Ильич миллионлаб кишилар хотирасида тинчлик учун оташин курашчи тимсоли бўлиб қолади.

Биз медиклар уруш офатини ҳаммадан кўра яхшироқ ҳис этамиз. Планетамиз халқлари урушни исташмайди. Тинчликни мустаҳкамлашдан кўра мухимроқ ва олижаноб вазифа йўқ. Меҳрибонимиз Леонид Ильич тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-толмай фаолият кўрсатди, жаҳон халқларининг зўр ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлди. Биз унинг номини ёдимизда сақлаймиз. Ватанимизнинг инсонликнинг яхши, азалий ва олий фазилати шундаки, турғунликни тан олмайди, ҳамиша олга интилади, нурли келажакни кўзлаб яшайди. Олга интилиш, нурли келажакни кўзлаб одимлаш — ҳар бир инсоннинг қалби, пок виждон эгасининг бурчи. Бурчга садоқат эса, одамнинг нақшидир, дейдилар. Инсоний бурчга садоқат, халқига, ўз Коммунистик партиясига садоқат билан жон фидо бўлган одамлар жамиятнинг мангу нақшларидир.

Леонид Ильич Брежнев — социалистик жамиятимизнинг ана шундай нақши эди. Ишчи оиласида дунёга келиб, ҳаёт чорраҳаларида чиниқиб, шогирдлик бурчини, ишчилик, хизматчилик, комсомоллик, коммунистлик ва, ниҳоят, йўлбошчилик бурчини садоқат билан бажариб, халқда обрў-эътибор қозонган одам эди.

Леонид Ильич ҳаётдан кўз юмди, аммо ўзидан яхши ном, чин одамийлик, раҳбарлик санъати намуналарини мерос қилиб қолдирди.

Биз, аввало, Леонид Ильични яхши одам деб биламиз. У одамни ниҳоятда улуғларди, севарди, унинг фикри-зикри, орзу умидларини чуқур ўрганарди-да, ҳамиша инсонга хизмат қилишни ўзининг бурчи, деб биларди. У қалби дарё, меҳри оташ, саховатли, мурувватли, гоят инсонпарвар эди. Унинг асл коммунистга хос бу хислатини катта-кичик барча баравар ҳис қилиб кўриб-билиб турарди. Совет кишиларининг ҳар бир муваффақиятидан тоғча қувонарди, голибларни дарҳол табриклаб, ардоқлашни унутмасди. Улуг раҳбарнинг бу шодиёна муруввати одамларни янада каттароқ ишга руҳлантирмай қўймасди. Совет кишиларининг қилча мусибатини сезса, унга далда берар, кўмаклашарди, уни ғайрисига шериклашар, уни яна шодлик йўлига солиб қўярди. Биз буни у кишининг кундалик фаолиятидан кўриб турардик.

Шу билан бирга Леонид Ильич партия ишига беғиҳоя садоқатли, ишлаб чарчамайдиган, аммо бежирим иш қилиб ҳаммани қойил қиларди. Талабчанлигини айтмайсизми? Аввало, ўзига талабчан эди, қолаверса, бошқалардан ҳам муросасиз талаб қиларди. Партия, давлат ишларини ҳал қилишда ниҳоятда эҳтиёткор, донишманд, принципал, дадил, баҳодир эди. У қолдирган бу яхши ном айни вақтда қимматли намуна, меросдир.

Биз фронтчилар Леонид Ильичнинг Улуг Ватан урушидаги талабаларимизнинг баҳодирларидан бири деб биламиз. Кичик Ердаги мисли кўрилмаган қаҳрамонликлар комиссар Брежневнинг бевосита иштирокида ва раҳбарлигида содир бўлгани ҳаммамизга аён. Унинг қаламига мансуб бўлган «Кичик ер» асари балиий-сиёсий публицистик адабиётнинг классик намунаси бўлиб жаҳон кезмоқда, тилдан тилга ўтиб оламга таралмоқда.

Мамлакатимиз тарихидаги ҳар бир тараққиёт босқичи Леонид Ильич тақдирига таллуқли эди. Коллективлаштириш ва индустриалш. тикланиш, янги ерлар ўзлаштириш, фазони эгаллаш, мудофаа қудратимизни ошириш каби улкан тарихий босқичларимизда у партия солдати, тарғиботчиси ва ташкилотчиси эди. Миллий республикалар экономикасини ривожлантиришдаги хизматларини ҳам алоҳида тилга олмоқчиман.

Кейинги икки ўн йил ичида республикамиз, айниқса, кенг ривожланди. Тошкент шаҳримиз эса, шаҳрда машъал десак арзигудай гўзал шаҳарга айланди. Леонид Ильич ҳар гал Ўзбекистонга келганида бизга катта байрам олиб келарди.

«Бугун — сизларнинг диёрингизга байрам, — деган эди. Л. И. Брежнев республикамизга Ленин ордени топширилаётган тантанада, — ўнинчи беш йиллик якунларига биноан Совет Ўзбекистони Ленин орденига сазовор бўлганлиги маълум. Мана бугун сизлар шу орденни оласизлар. Бу — меҳнат жабҳасидаги зўр кучғайратларнинг, оғир меҳнатда қўлга киритилган ғалабаларнинг якунидир. Ватаннинг юксак мукофоти билан энг самимий қутловларимизни қабул этингиз. Ўртоқлар... сизлар мамлакат учун, ҳар бир совет кишиси учун муҳим бўлган катта иш қилдингизлар».

Ҳақиқатан ҳам ўзбек халқи ўз «олтин қўллар»и билан мўл «оқ олтин» яратиб Совет давлатининг иқтисодий-мудофаа қудратини оширишда «катта иш» қилаётганини партиямиз, совет ҳукумати, Л. И. Брежнев меҳрибонлик билан кузатиб борарди. Бу меҳрибонликдан ўзбек халқи ниҳоятда миннатдор. Ана шу миннатдорчилигимизни бутун Ўзбекистон коммунистлари ва халқи амалий иш билан намойиш қилмоқда.

Маълумки, Л. И. Брежнев ўша вақтда ўзбек халқига муҳим маслаҳатлар берган эди. Ўша маслаҳатларга амал қилган ўзбек халқи мамлакатнинг энг катта янги қурилишларида актив иштирок қилмоқда.

Қўриқ ерларни ўзлаштиришда, Байкал — Амур магистралини яратишда, КамАЗ иншоотида, газ саноати барпо қилишда, айниқса, Нўкоратупроқ ерларини ҳосилдор, обод қилишда Ўзбекистон меҳнаткашлари Улуғ Ватан олдидаги ўз бурчини садоқат билан бажараётганидан мамнунмиз.

Пахтачилигимиз ҳам улуг партиямиз талаб қилган даражада ривожланмоқда. Илгари Чор Россияси даврида 50 йил ичида бутун мамлакат зўрға олти миллион пахта етиштирган бўлса, бирпинг Ўзбекистоннинг ўзи бир йилда 50 йиллик ишни бажариб, олти миллион тонна «оқ олтин» берянти. Бу йилги энг оғир об-ҳаво шароитида «олтин қўлли» пахтакорлар беш йарим миллион тоннадан кўпроқ пахта топшириб қўйди ва ҳозирги мамлакат бошига кулфат тушган пайтларда партиямиз чақиригига жавобан қосилнинг охирги чаноқларигача теріб олиб олти миллион тоннадан ҳам ошириш учун жонбозлик қилмоқда. Бу ҳам бурчга садоқат намунасидир.

Коммунистлар ва барча совет кишилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдан ташқари чақирилган пленуми ҳақидаги билдиришни, Пленумнинг яқдиллик билан қабул қилган қарорини зўр эътибор ва қониқиш билан кутиб олди.

Пленум Леонид Ильич Брежнев бошлаган юксак идеалларга садоқат билан ўн саккиз йил ғиришмай-толишмай амалга оширган партия ишини давом эттириш, раҳбарлик услубини ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор формасини ривожлантириш, унинг намунали амалий иши билан васнат қилган ҳамма нарсаларни қадрлаш. Марказий Комитет монолитлиги, яқдиллик руҳида ўтгани ҳаммамизда қаноат ҳосил қилди.

Партия бирлиги ҳамиша, ҳамма вақт ва ҳар хил оғир вазиятларда ҳам галабамиз омили эди. Ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Партиямиз ички бирлиги туфайли ички — ташқи душманларни енгиб келганмиз. Ўнг-сўл оғмачиларни, партия душманларини тор-мор қилганмиз, катта давлат ишлари, коммунистик қурилишнинг муаммолари партия бирлиги туфайли тўғри, доно ҳал қилинган. Ҳозирги мушкул халқаро вазиятда: ички оғир ҳолатда партиямиз янада монолит, янада яқдил, янада қудратли, кучга айланди. Шунинг учун жаҳонимиз партиямизга ишонади, уни севади, унга таянади.

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

БУРЧ, ИШОНЧ, САДОҚАТ

ХАЛҚ ҚАЛБИДА МАНГУ САҚЛАНИБ ҚОЛАДИ

БУХОРО, 13 ноябрь. (ЎзТАГ). Бухоро область шаҳар ва қишлоқлари мотам тутмоқда. Леонид Ильич Брежнев вафоти тўғрисидаги хабар ҳар бир меҳнаткашни қайғуга солди.

Олот районидаги «Шарқ юлдузи» колхозида бўлиб ўтган мотам митингида бригадир Сайли Ҳамроев сўзга чиқиб шундай деди:

Биз деҳқонлар азиз Леонид Ильич Брежневнинг ҳаётдан кўз юмганлигидан чуқур изтироб чекмоқдамиз. Бутун мамлакат ва хусусан Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг равнаки Леонид Ильич номи билан боғланган. У биз, пахтакорлар тўғрисида ҳамиша оталарча ғамхўрлик қилиб келди. Бизлар партия ва халқнинг буюк фарзанди ёркин хотирасини ҳамиша дилимизда сақлаймиз. Хўжалигимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга ва совет халқига мурожаатига жавобан эришилган муваффақиятларни кўпайтиришга, Леонид Ильич ўз ҳаётини бағишлаган тинчликни мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссаларини кўшишга азму қарор берганлар. Бригадамиз биринчиларидан бўлиб давлатга пахта сотиш планини бажарди. Беш йилликнинг иккинчи йили учун зиммага олинган социалистик мажбурият ҳам адо этилди. Бироқ ҳали далада ҳосил бор. Бизлар пахтанинг сўнгги толасигача ерда қолдирмай теріб оламиз. Зарбдор меҳнатимиз билан Леонид Ильич хотирасини эъзозлаймиз.

Қоракўл ва Когон пахта заводларида, Бухоро трикотаж фабрикасида, Бухоро 1-станцияси Локомотив депосида, Бухоро областининг бошқа корхоналари, ташкилотларида, колхоз ва совхозларда ҳам мотам митинглари ўтказилди.

ҲАММАМИЗ УЧУН ЎРНАК

Леонид Ильич Брежнев вафот этганлиги тўғрисидаги аламли хабар М. Т. Ўразбоев номидаги механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти коллективи қалбини чуқур қайғуга солди. Институтнинг Тошкент илмий маркази билан ҳамкорликда ўтказилган мотам митингида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, институт директори Т. Жўраев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Д. Файзуллаев ва Х. Усмонхўжаев ҳамда сўзга чиққан бошқа ўртоқлар Ленин ишининг содиқ давомчиси, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи Леонид Ильич Брежневнинг оталарча ғамхўрлигини ҳеч қачон унутмаймиз, унинг номи қалбларимизда абадий яшайди, дейишли.

Мотам митинги иштирокчилари коммунистик бунёдкорлик программасини муваффақиятли бажаришда ўз ҳиссаларини кўпайтиришга интилажакларини изҳор этдилар.

А. МАҲМУДОВ,
институт илмий котиби.

ҲАМИША БИЗ БИЛАН

Ленин ишининг содиқ давомчиси, тинчлик ва коммунизм учун оташин курашчи Леонид Ильич Брежневнинг вафот этганлиги тўғрисидаги хабар Тошкент область Оржоникидзе районидаги В. И. Ленин номли колхоз деҳқонларининг қалбини чуқур қайғуга солди.

Хўжаликнинг юзлаб меҳнаткашлари чуқур сукут сақлаб мотам митингига тўпланишди. Халқ селекционери, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий аъзоси Зайниддин Фахриддинов сўзга чиқади.

—Шу йил баҳорда азиз Леонид Ильич бизнинг колхозимизга келган эди. Ҳозир эса унинг биз билан бирга эмаслигига, ўлим буюк революционер, тинчлик ва одамларнинг бахт-саодати учун толмас курашчи сафларимиздан олиб кетганлигига ишонгим келмайди. Биз Леонид Ильичнинг колхозчилар билан қилган қизғин суҳбатларини, эришган муваффақиятларимиз билан таништанлигини ҳеч қачон унутмаймиз. Биз унинг қишлоқ меҳнаткашлари тўғрисидаги, Ўзбекистон қишлоқ ва шаҳарлари экономикаси ҳамда маданиятини равнак топтириш ҳақидаги оталарча ғамхўрлигини ҳамиша эсда сақлаймиз. Биз Коммунистик партия Марказий Комитети теварагида ўз сафларимизни янада жипслаштирамиз. Ленин кўрсатган йўлдан оғишмай олга борамиз, деб қасамёд қиламиз.

Митинг қатнашчилари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан совет Ватанининг ишонч шуҳрати ва қудратини мустаҳкамлашга, бутун кучғайратни КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш учун сарфлашга азму қарор қилдилар. (ЎзТАГ).

ЖАСОРАТГА ТЎЛА ҲАЁТ

ҚАРШИ, 12 ноябрь. (ЎзТАГ). Чўлқуварлар, «Каршистрой» территориал бошқармасининг ходимлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Леонид Ильич Брежневнинг вафоти муносабати билан мотам митингига тўпландилар.

Қарши даштининг кашшофи, ҳозирда бошқарма партия ташкилотининг секретари Сойиб Усмоновга сўз берилди:

—Биз бутун совет халқи билан бирга оғир жудоликдан чуқур қайғурмоқдамиз. Азиз Леонид Ильичнинг бутун ҳаёти олижаноб мақсадларга — коммунизм ишига, совет халқи фаровонлигини юксалтиришга, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилишга бағишланган эди. Коммунистлар, Қарши даштининг барча ўзлаштирувчилари жонажон партия ленинчи Марказий Комитети теварагида ўз сафларимизни янада жипслаштирамиз, даштларни пахта далалари ва боғларга айлантириш учун янада фидокорона меҳнат қиламиз. Козоғистоннинг кўрик ерларида Леонид Ильич Брежнев бошлаган ишни давом эттирамиз ва ривожлантирамиз, деб ишонтирдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партиясга, совет халқига мурожаатига жавобан биз ўзимизнинг зарбдор меҳнатимиз билан бундан буён ҳам Ватанимизнинг шон-шуҳрати ва қудратини мустаҳкамлайберамиз. Бу эса Ленин ишининг содиқ давомчиси, даврмизнинг буюк партия ва давлат арбоби Леонид Ильич Брежнев хотирасига энг чуқур ҳурматимиз бўлади.

МАСЪУЛИЯТИМИЗ КАТТА

Бизлар қайғули хабарни полигонда, иш вақтида эшитдик. Жудолик алами бекиёсдир. — Содиқ ленинчи, замонамизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби Леонид Ильич Брежнев ҳаётдан кўз юмди. Бироқ совет кишилари бошларига қайғу тушганида ўзларини йўқотиб қўймайдилар. Оғир алам қалбимизга игнадек санчилса-да, бизлар механизмларни ишга туширдик ва бетон қуйишда давом этдик.

Тушки танаффус бошланганлигига қарамай, ҳеч ким иш жойидан жилмас эди. Ўша дақиқаларда ҳар биримиз ўз шахсий масъулиятимизни алоҳида куч билан ҳис этиб, мамлакат тақдири, Леонид Ильич Брежнев ҳамиша таъкидлаганидек, биз ишчиларнинг қўлида эканлигини айниқса яққол англадик.

Ҳозир бизлар янги чорвачилик ва балиқчилик корхоналари учун конструкциялар тайёрлаяпмиз. Бу объектлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг бевосита раҳбарлигида партия ишлаб чиққан СССРнинг улуғвор Озиқовқат программасини амалга оширишнинг таркибий қисмидир. Бу программада Леонид Ильичнинг совет халқи фаровонлиги тўғрисида, бизларнинг ҳар биримиз тўғримизда тинимсиз ғамхўрлик қилганлиги яна бир бор акс эттирилган. Бизлар буни ҳамиша эсда сақлаймиз. Бригадамиз зарбдор қурилишларни йиғма темирбетон билан комплектлашни бир ой илгари тугаллашга сўз беради. Партия белгилаб берган вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун барча ишларни қиламиз.

Г. МИТРОФАНОВ,
Тошкентдаги 2-темир-бетон буюмлари заводи бетончилар бригадасининг бошлиғи. III даража Меҳнат шуҳрати ордени кавалери.

(ЎзТАГ).

Леонид Ильич БРЕЖНЕВ

ЖАҲОН МОТАМ ТУТМОҚДА

Замонамизнинг энг катта сиёсий ва давлат арбоби — Леонид Ильич Брежнев вафоти муносабати билан халқаро жамоатчилик чуқур қайғу билдирмоқда. Чет элларда ги таниқли давлат ва жамоат арбоблари, турли мамлакатларнинг матбуоти КПСС сиёсатини шакллантириш ва уни амалга оширишда Л. И. Брежневнинг мислсиз хизматларини қайд этмоқдалар.

Оммавий ахборот воситалари Москвада КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми бўлиб ўтганлигини батафсил хабар қилмоқдалар. Пленумда қайд этиб ўтилганидек, Коммунистик партия, совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният оғир жудоликка учрадилар. Коммунистик партиянинг, Совет давлатининг, халқаро коммунистик, ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатининг атоқли арбоби, тинчлик учун оташин курашчи ҳаётдан кўз юмди. Матбуот уқтириб ўтганидек, Пленум КПССнинг, бутун совет халқининг КПСС XXVI съезди қарорларида белгилаб берилган коммунистик қурилиш программасини муваффақиятли бажариш учун, СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда давомийликни таъминлаш, совет халқининг фаровонлигини ошириш, тинчликни мустаҳкамлаш учун, Л. И. Брежнев даврида ўтказиб келинган бутун ленинча ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш учун ҳамма ишни бажо келтиришга азму қарор берганлигини таъкидлади.

ЧКП Марказий Комитети Президиумининг Прагада бўлиб ўтган мажлисида ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак бутун тараққийпарвар инсоният учун, тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва социализм йўлидаги кураш ишлари учун Л. И. Брежнев ҳаёти ва фаолиятининг тарихий роли таъкидлади. Бутун чехословак халқи, мамлакатимизнинг барча коммунистлари, деди Г. Гусак, мана шу ажойиб инсон, Ленин ишининг содиқ давомчиси, Чехословакия билан СССР ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга, дўстлик ва иттифоқни мустаҳкамлашга ғоят катта ҳисса қўшган инсоннинг порлоқ хотирасини қалбларида абадий сақлайдилар. Л. И. Брежнев дафн этилаётган кунда, кишиларни расмий ахборотда, Чехословакияда завод ва фабрикалар гудок чалиб, салют берилади, бутун чехословак халқи ишни тўхтатиб, икки минут сукут сақлаб Л. И. Брежневнинг хотирасини ҳурмат билан эсга олади.

Будапештда **ВСИП Марказий Комитетининг Пленуми** бўлди, МТИ агентлигининг Пленум тўғрисидаги ахборотида қуйидагилар айтилади: Венгрия коммунистлари тўрт Л. И. Брежневнинг вафоти тўғрисидаги хабарни эшитиб, чуқур қайғудилар ва унинг хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар. ВСИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар Пленумда нутқ сўзлаб, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати атоқли арбоби, венгер халқининг самимий дўсти ўртоқ Л. И. Брежневнинг тинчлик, социализм ва ижтимоий тараққиёт учун курашдаги катта хизматларига юксак баҳо берди.

БКП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг Софияда чақирилган навбатдан ташқари мажлиси қатнашчилари таъкидлаб ўтишганидек, Л. И. Брежнев совет халқининг содиқ фарзанди, социализм назарияси ва практикасига, тинчлик, социал тараққиёт ва кескинликни юмшатиш йўлидаги курашга ғоят катта ҳисса қўшган халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби эди. БКП, унинг Марказий Комитети социализм ва коммунизм учун кураш учун курашда Совет Иттифоқи ва улуғ Совет халқи билан ҳаёт синовидан ўтган қардошларча дўстлик, ҳар томонлама ҳамкорлик ва яқинлашиш йўлини бундан буён ҳам ўтказаберади.

ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Леонид Ильич Брежневнинг хотирасини ҳурмат билан эсга олиб, Советлар мамлакатини ва совет коммунистлари партиясини мустаҳкамлашга, социалистик ҳамдўстликдаги қардош давлатларни ривожлантириш ва уларнинг бирлигини мустаҳкамлашга, бутун дунёда тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги учун курашга у кўпган тарихий ҳиссани қайд этиб ўтди. ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Польша — Совет дўстлигини ва интернационал ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ишида Л. И. Брежневнинг ғоят катта хизматларини ҳамда ПБИП ва поляк халқига ҳайрихоҳлигини ва унинг проблемаларини чуқур тушунганлигини уқтирди. Л. И. Брежнев, деб таъкидланади Сиёсий бюро мажлиси тўғрисидаги ахборотда, замонамизнинг атоқли давлат арбоби эди. Тинчлик программаси, социал тараққиёт ва халқлар ўртасида ҳамкорлик йўлидаги тинимсиз куч-ғайратлар уни планетадаги барча ҳолис ниятли кишиларнинг умумий иззат ҳурмати ва миннатдорчилигига сазовор этди. У КПСС билан ПБИП, совет халқи билан поляк халқи ўртасида қардошларча дўстлик ва иттифоқ ишининг оташин тарафдори эди. Биз муштарак тинчлик ва социализм ишимиз манфаатларини кўзлаб, садоқат билан ана шу иттифоқ посбонлигида турабермиз.

Бухарестда РКП Бош секретари Н. Чаушеску раислигида **РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг** мажлиси бўлди. Эълон қилинган ахборотда ўртоқ Л. И. Брежнев улуғ инсон ва раҳбар, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг буюк курашчиси, ҳозирги халқаро ҳаракатнинг атоқли арбоби, деб таърифланди.

«Л. И. Брежнев урушга нафрат туйғуси билан эсга олиб, Советлар мамлакатини ва совет коммунистлари партиясини мустаҳкамлашга, социалистик ҳамдўстликдаги қардош давлатларни ривожлантириш ва уларнинг бирлигини мустаҳкамлашга, бутун дунёда тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги учун курашга у кўпган тарихий ҳиссани қайд этиб ўтди. ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Польша — Совет дўстлигини ва интернационал ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ишида Л. И. Брежневнинг ғоят катта хизматларини ҳамда ПБИП ва поляк халқига ҳайрихоҳлигини ва унинг проблемаларини чуқур тушунганлигини уқтирди. Л. И. Брежнев, деб таъкидланади Сиёсий бюро мажлиси тўғрисидаги ахборотда, замонамизнинг атоқли давлат арбоби эди. Тинчлик программаси, социал тараққиёт ва халқлар ўртасида ҳамкорлик йўлидаги тинимсиз куч-ғайратлар уни планетадаги барча ҳолис ниятли кишиларнинг умумий иззат ҳурмати ва миннатдорчилигига сазовор этди. У КПСС билан ПБИП, совет халқи билан поляк халқи ўртасида қардошларча дўстлик ва иттифоқ ишининг оташин тарафдори эди. Биз муштарак тинчлик ва социализм ишимиз манфаатларини кўзлаб, садоқат билан ана шу иттифоқ посбонлигида турабермиз.

Бухарестда РКП Бош секретари Н. Чаушеску раислигида **РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг** мажлиси бўлди. Эълон қилинган ахборотда ўртоқ Л. И. Брежнев улуғ инсон ва раҳбар, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг буюк курашчиси, ҳозирги халқаро ҳаракатнинг атоқли арбоби, деб таърифланди.

«Л. И. Брежнев урушга нафрат туйғуси билан эсга олиб, Советлар мамлакатини ва совет коммунистлари партиясини мустаҳкамлашга, социалистик ҳамдўстликдаги қардош давлатларни ривожлантириш ва уларнинг бирлигини мустаҳкамлашга, бутун дунёда тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги учун курашга у кўпган тарихий ҳиссани қайд этиб ўтди. ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Польша — Совет дўстлигини ва интернационал ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ишида Л. И. Брежневнинг ғоят катта хизматларини ҳамда ПБИП ва поляк халқига ҳайрихоҳлигини ва унинг проблемаларини чуқур тушунганлигини уқтирди. Л. И. Брежнев, деб таъкидланади Сиёсий бюро мажлиси тўғрисидаги ахборотда, замонамизнинг атоқли давлат арбоби эди. Тинчлик программаси, социал тараққиёт ва халқлар ўртасида ҳамкорлик йўлидаги тинимсиз куч-ғайратлар уни планетадаги барча ҳолис ниятли кишиларнинг умумий иззат ҳурмати ва миннатдорчилигига сазовор этди. У КПСС билан ПБИП, совет халқи билан поляк халқи ўртасида қардошларча дўстлик ва иттифоқ ишининг оташин тарафдори эди. Биз муштарак тинчлик ва социализм ишимиз манфаатларини кўзлаб, садоқат билан ана шу иттифоқ посбонлигида турабермиз.

Австрия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг баёнотида бундай дейилади: Австрия коммунистлари тинчлик ва коммунизм йўлидаги оташин курашчи, мамлакатимизнинг дўсти бўлган атоқли давлат арбоби Л. И. Брежневнинг хотирасини ҳамиша сақлаб қоладилар. Совет Иттифоқининг тинчликни таъминлашга, тинч-тотув яшаш ва кескинликни юмшатиш сиёсатини мустаҳкамлашга, қуролсизланиш учун ва ядро урушининг олдини олиш учун курашга каратилган муҳим ташаббуслари Л. И. Брежнев номи билан боғлангандир, дейилади ҳужжатда. Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш ана шу ташаббусларнинг энг муҳим натижаси бўлди. Ўртоқ Л. И. Брежнев раҳбарлигида КПСС жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлашга ва антиимпериалистик озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил пролетар интернационализми сиёсатини ўтказиб келди.

«Л. И. Брежневнинг номи Совет Иттифоқининг ҳеч қачон биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисидаги мажбурияти билан ҳамиша боғлиқ бўлади, — деб ёзади инглиз коммунистларининг **«Морнингстар»** газетаси. — Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларида у орттирган шахсий тажриба шунга қўмаклашдики, Л. И. Брежнев халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчликнинг қатъий изчил тарафдори бўлиб қолди. У КПССнинг, бутун совет халқининг атоқли раҳбари бўлиб, тинчлик учун, қуролланиш пойгасига қарши курашни ўзининг асосий вазифаси, деб ҳисоблар эди. СССР Л. И. Брежнев раҳбарлигида изчиллик билан амалга ошириб келган бу йўл уни ер юзидаги барча кишиларнинг иззат-ҳурматига сазовор этди».

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг махсус яллиғ мажлисида Л. И. Брежневнинг хотираси ҳурмат билан эсга олинди. «Бу жудолик нақадар оғирлигини ифода этишга тил ожиз, — деди мажлисни очаётиб Бош Ассамблея XXXVII сессиясининг раиси И. Холлан. — Жаҳон адолат ва тараққиёт йўлидаги атоқли курашчидан, буюк раҳбар ва давлат арбобидан, революцион мутафаккирдан, қуролсизланиш ва тинчлик учун эътиқодли курашчидан, замонамизнинг улуғ инсонидан жудо бўлди. Совет Иттифоқи Л. И. Брежнев раҳбарлигида халқаро майдонда ҳал қилувчи омил бўлиб қолди. Л. И. Брежнев дунёдаги етакчи социалистик давлатга раҳнамолик қилиб, ўз мамлакати ва халқининг келажаги учунгина эмас, шу билан бирга бутун планетанинг тақдири учун ҳам масъулиятни чуқур англар эди. Унинг номи мустаҳкам тинчлик, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш сиёсати билан чамбарчас боғланган. Айни шу сиёсат 70-йилларда турли социал системалардаги давлатлар ўртасида ҳамжиҳатликни яхшилашга ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга олиб келди. Л. И. Брежневнинг фаолияти мустамлакачиликни тугатиш жараёнини жадаллаштиришга қаратилган куч-ғайратлар билан чамбарчас боғлиқдир. У ўз мамлакатидан олис жойларда ҳам чуқур ҳурмат қозонган эди».

Л. И. Брежнев кўп йиллар мобайнида СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш, халқларни ижоқлаштириш негизларини ҳамда Европада кескинликни юмшатиш ва ҳамкорлик учун шарт-шароитларни вужудга келтириш йўлидаги интилишни ҳаётгик қуролларни чеклаш тўғрисида ахдлашувларга эришиш йўлидаги куч-ғайратларига юксак баҳо беради», — деди **Япония Социалистик партияси Марказий Ижроия комитетининг раиси И. Асугата.**

Л. И. Брежнев вафоти тўғрисидаги хабарни Сурия президенти Ҳафиз Асад, бутун Сурия халқи эшитиб, ғоят қайғудилар, дейилади Сурияннинг **Сана агентлиги** шарҳида. Ажал араб халқларининг қалин дўстини ораларидан олиб кетди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳаёти тарихда чуқур из қолдиради.

«Таймс оф Индия» газетаси «Ҳиндистон улуғ дўстидан жудо бўлди» сарлавҳаси остида таъзия босиб чиқарди. «Ҳиндистон билан СССР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик, — деб таъкидлайди газета, — кўп жиҳатдан Л. И. Брежнев туфайли. Осиёда барқарорлик ошилига айланиб, бутун халқаро вазиятга ижобий таъсир ўтказмоқда».

«Л. И. Брежнев ишчилар, колхозчилар, ҳарбий хизматчилар, олимлар ва дипломатлар билан тил топа биладиган инсоний фазилатлар соҳиби эди, — деб хабар қилади Ҳиндистоннинг **ЮНИ агентлиги,** — у билан учрашиш ишларининг ҳаммаси уни камтар, дилкаш ва жуда меҳрибон инсон деб биладилар».

«Леонид Брежнев Совет Иттифоқи раҳбари лавозимида ўз мамлакатининг Қўшма Штатлар билан ҳарбий мувозанатига эришган доно арбоб эди, — деб ёзади **«Нью-Йорк Таймс»** газетаси. — У кескинликни юмшатиш сиёсати ёрдамида дунёнинг турли қисмларида СССРнинг сиёсий таъсири кучайишига имконият яратди». АҚШнинг таниқли саноатчиси ва жамоат арбоби **А. Хаммер** бундай деди: «Л. И. Брежнев тинчликсевар инсон эди. У тинч-тотув яшашга ва кескинлик юмшатилишига ишонган қалби пок инсон эди. У ҳаммадан кўпроқ тинчликни истар эди». «Леонид Ильич Брежневнинг вафоти, — деди Америкаданг таниқли жамоат арбоби, АҚШнинг Москвадаги собиқ элчиси **А. Гарриман,** — айниқса унинг тинчликни таъминлаш истагини ва музокараларга интилишини ҳисобга олганда Совет Иттифоқи учун ҳам, Қўшма Штатлар учун ҳам жудоликдир».

Л. И. Брежневнинг бевақт вафоти тўғрисидаги хабар бутун тараққийпарвар инсониятни чуқур ларзага солди, ана шу оғир жудолик сабабли тараққийпарвар инсоният совет халқи билан бирга мотам тутмоқда, деди **Жанубий Африка африкаликлар миллий конгресси (АНК) Бош секретари А. Низо.** Л. И. Брежнев инсониятнинг социал тараққиёти йўлидаги улуғ курашчи сифатида бутун дунёга машҳур эди. У кўпгина совет тинчликсевар ташаббусларини бошлаб берган, бу ташаббуслар бутун инсоният учун тинчлик йўлидаги курашнинг амалий программаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Мозамбикда чиқадиган **«Нотисиаш»** газетаси қуйидагиларни уқтиради: совет халқи Л. И. Брежнев билан видолашатуриб, Л. И. Брежнев даврида ўтказиб келинган ленинча ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш йўлидан бундан буён ҳам олга бораверишга азму қарорини билдирмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партиясга, совет халқига Мурожаати бутун дунёда айни шундай баҳоланмоқда. Бу Мурожаат — КПСС, Совет Иттифоқи ўтказиб келган ва ҳамон ўтказиб келаётган ўша сиёсий йўлга қатъий содиқликнинг далилидир.

(ТАСС, 12 ноябрь).

ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ АБАДИЙ ЯШАЙДИ

Пойтахт области меҳнат коллективларида улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, давримизнинг буюк сиёсат ва давлат арбоби Леонид Ильич Брежнев вафоти муносабати билан мотам митинглари бўлиб ўтяпти. Митинг қатнашчилари оғир жудолик қалбларини чуқур қайғуга солганлиги ҳақида гапириб, Ленин идеаларига садоқатларини изҳор этмоқдалар, Коммунистик партия, унинг жанговар штаби бўлган Марказий Комитет атрофига янада мустаҳкамроқ жипслашажакларини билдирмоқдалар.

ТОШКЕНТ

Мамлакатимизнинг оқил йўлбошчиси, давлатимизнинг етук сиёсий арбоби Л. И. Брежневнинг вафоти тўғрисидаги хабар 15-шаҳар касалхонаси шифокорларини ҳам чуқур қайғуга солди.

— Халқимиз оғир жудоликка учради, — дея мотам митингини очди шифохона бош врачи С. Мирҳўжаев. — Тинчлик учун толмас курашчи, В. И. Ленин ишининг содиқ давомчиси Леонид Ильич Брежневнинг қалби уриши дан тўхтади. Лекин унинг халқ бахт-саодати йўлидаги ёрқин фаолияти дилларимизда мангу сақланиб қолади. Леонид Ильич ҳаёти миллионлаб коммунистлар учун ўқиш, ўрганиш ва инсонилтга хизмат қила билишнинг олий мактабидир. Биз, врачлар, ўрта медицина ходимлари замонамизнинг доно етакчиси айтганидек, ҳар бир совет кишисининг ҳамиша, ҳамма жойда ўз вақтида, малакали ва ғамхўрона медицина ёрдамини олишига эришаверамиз. Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни йилма-йил яхшилаб борамиз.

Митингда сўзга чиққан А. А. Доленко, Н. И. Егоричкина, Х. Эргашева каби шифокорлар ҳам Л. И. Брежнев вафоти муносабати билан чуқур қайғуга тушганликларини билдирдилар. Улар ўз сўзларида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг партиясга, совет халқига Мурожаатига жавобан партия атрофига янада мустаҳкамроқ жипслашишга ваъда бердилар.

ТОШКЕНТ. Улуғ доҳийимиз В. И. Ленин ишининг содиқ давомчиси, оташин ватанпарвар, атоқли революционер, халқ бахт-саодати, тинчлик ва коммунизм учун матонатли курашчи Леонид Ильич Брежневнинг вафоти республикамиз бадиий зиёлиларини ҳам чексиз қайғуга солди. Ўтган куни республикамиз театр жамоатчилиги вакиллари Ўзбекистон ССР Театр жамиятининг Актёрлар уйида бўлиб ўтган мотам митингига тўпландилар.

Митингни Ўзбекистон ССР Театр жамияти президиумининг раиси, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати С. Эшонтўраева очди. Тўпланганлар мамлакатимиз бошига тушган бу мусибатга ҳамдард эканликларини чуқур сукут сақлаб изҳор қилдилар.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, 50 йилдан бери КПСС аъзоси Р. М. Қориев Л. И. Брежневнинг бадиий зиёлиларга кўрсатган улкан ғамхўрлиги тўғрисида гапирди.

— Леонид Ильич Брежневнинг КПСС XXVI съездида қилган Ҳисобот докладидаги адабиёт ва санъатнинг янада халқчиллик касб этиши, меҳнат кишиларининг ҳаётини, коммунистик жамият қуришдаги улкан одимларни ҳаққоний акс эттириш борасидаги кўрсатмаларидан келиб чиқиб амалга оширилаётган ишлар республикамиз маданиятининг юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда, — деди Ўзбекистон ССР Театр жамияти президиумининг раисининг муовини, санъатшунос Б. Насриддинов.

— Л. И. Брежневнинг Улуғ Ватан уруши давридаги жанговар ишлари, мамлакатимизни қайта тиклаш, қўриқ ерларни ўзлаштириш борасидаги актив ташкилотчилик ва доно раҳбарлик фаолияти — ҳар бир совет коммунисти учун ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолади, — деди республика Театр жамияти партия ташкилотининг секретари, кекса коммунист В. А. Брагинский.

Митинг қатнашчилари замонамизнинг жуда катта сиёсат ва давлат арбоби Л. И. Брежневнинг хотираси совет халқи қалбида абадий яшажагини изҳор қилдилар.

БЎКА

Район хўжаликларида, корхона ва ташкилотларида улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси Леонид Ильич Брежневнинг вафоти муносабати билан мотам митинглари бўлиб ўтяпти. «Ленинизм» колхозидаги митингга хўжаликнинг 300 дан ортиқ аъзоси тўпланди. Колхоз партия комитети секретари М. Аҳмедова митингни очади. Ҳамма Леонид Ильичнинг порлоқ хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олади.

Азиз Леонид Ильич Брежнев бутун ҳаётини халқимиз фаровонлигини оширишга, жаҳонда барқарор тинчлик ўрнатилишини таъминлашга бахшида этди, — деди митингда сўзга чиққан колхоз раиси А. Қурбонқулов. — Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳам Леонид Ильич жуда кўп куч-ғайрат сарфлади. Биз Коммунистик партия тевирагида янада жипслашиб, фидокорона меҳнатимиз билан Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга ваъда берамиз

Мотам митингида сўзга чиққан колхоз касаба союз ташкилотининг раиси О. Аминов, колхозчи И. Жўраевлар ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан янада самаралн меҳнат қилишга, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга ҳаракат қилишларини изҳор этдилар.

БЕКОБОД

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг вафоти муносабати бидан шаҳардаги Темир-бетон буюмлари ва қурилиш материаллари комбинатида бўлиб ўтган мотам митингида 380 киши иштирок этди. Комбинат партия комитетининг секретари Г. Лисов митингни кириш сўзи билан очди. У ўртоқ Л. И. Брежневнинг вафоти тўғрисида чуқур қайғу билан гапирар экан, комбинат коллективини янада самаралироқ ишлашга, коммунистларни эса ҳар соҳада авангард бўлишга чақирди.

Митингда сўзга чиққан комбинат директорининг ўринбосари Ю. Пуетов, арматурачи Г. Проскурин, цех бошлиғи В. Учаевлар ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг атоқли раҳбари, Улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, тинчлик учун толмас курашчи ўртоқ Леонид Ильич Брежнев вафотидан чуқур қайғуда эканликларини изҳор этдилар.

Митингда комбинат коллективи ўз имкониятларини кайта кўриб чиқиб, зиммасига оширилган мажбурият олди. Йил охиригача пландагига қўшимча 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилинди.

• • •

БАРЧА совет кишилари каби В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг ишчи-хизматчилари ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг вафотини чуқур қайғу билан кутиб олдилар. Шу куннёқ заводнинг бош участкаларидан бири — коммунистик меҳнат коллективи номини олган прокат цехида митинг бўлиб ўтди.

— Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, совет халқимиз огир жудоликка учрадилар, — деди митингда сўзга чиққан шаҳар партия комитетининг биринчи секретари О. С. Иброҳимов. — Доҳий Ленин ишининг содиқ давомчиси, коммунизм учун толмас курашчи, замонамизнинг жуда катта сиёсат ва давлат арбоби Леонид Ильич Брежнев оламдан ўтди. Унинг ёрқин хотираси ҳурмати республика металлургиясининг марказ бўлган завод коллективи, бутун шаҳримиз меҳнаткашлари унинг ёрқин хотирасини чуқур ҳурмат билан сақлайдилар.

— Леонид Ильич биз учун ҳам жуда қадрли эди, — деди оператор В. Агафонова. — Чунки, Леонид Ильич меҳнат фаолиятининг дастлабки босқичида биз билан ҳамкасб, — металлург бўлган. У экономиканинг ҳамма тармоқлари — қатори металлургия саноатининг қамолотига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

Митингда шунингдек цех партия ташкилотининг секретари Г. Орипов, цех бошлиғи А. Дранников, завод партия комитетининг секретари М. Жамолиддинов ўртоқлар сўзга чиқишди.

Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети номига таъзия телеграммаси текстини қабул қилдилар. Сменани тошширган 4-бригада коллективи бугунги топшириқни 121 процент бажарганлигини маълум қилди. Сменани қабул қилган 1-бригада коллективи эса уларни қувватлаб, бундан ҳам кўпроқ ҳажмда иш бажаришга сўз берди.

ОЛМАЛИҚ

ШАҲАР меҳнаткашлари буюк давлат ва сиёсат арбоби, тинчлик учун толмас курашчи, бутун совет халқи учун қадрдон бўлган азиз инсон — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг вафотини чуқур қайғу билан кутиб олдилар. Шаҳардаги барча саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва муассасаларда мотам митинглари бўлиб ўтди. Бу митинглларда 51 минг киши қатнашди, 681 киши сўзга чиқди.

— Биз Леонид Ильич Брежневнинг ишчилар синфининг ҳақиқий вакили эканини яхши биламиз ва бу билан фахрланамиз, — деди В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати «Қалмоққир» конининг машинисти Н. Иевлев, — бу жудолик ҳаммамизнинг қалбимизни ўртаб юборди. КПСС XXVI съезди белгилаб берган қарорларни ва ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмаларини оғишмай амалга ошира бориб, янада самаралироқ ишлашга аҳд қилдик. Шахсан ўзим аввали мажбуриятимдагига қўшимча 1700 погон метр қудуқ қазишга сўз бердим.

Шунингдек, комбинатнинг 2-автобазаси коллективи пландагига қўшимча 5 минг кубометр тоғ массасини ташишга, «Промтехмонтаж» бошқармасининг С. Устинов бошлиқ бригадаси мис саралаш фабрикасида пландаги 3 та ўрнига 5 та насосни монтаж қилишга сўз бердилар.

Булар барчаси буюк инсон, партия ва давлат раҳбари Л. И. Брежневнинг ёрқин хотираси ҳурматининг намунасидир.

ПИСКЕНТ

ТЕЛЬМАН номли колхознинг марказий клуби мотам либосида. Қизил байроқлар эгилган. Хўжалик деҳқонлари Коммунистик партия, бутун совет халқи учраган оғир жудолик — Леонид Ильич Брежнев вафот этганлиги муносабати билан мотам митингига тўпланишган.

— Прогрессив инсониятнинг буюк сиймоси Леонид Ильич Брежнев вафот этди, — деди колхоз партия ташкилотининг секретари Илҳом Миёнов. — Лекин, унинг иши давом этади. Леонид Ильичнинг порлоқ хотирасини абадий ёдда сақлаб, Ватанимиз фаровонлиги йўлида янада фидокорона меҳнат қилаверамиз.

Митингда сўзга чиққан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳакимполвон Қодиров, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Чинпўлат Абдуллаевлар ҳам партия тевирагида янада мустаҳкамроқ жипслашишга, бир тан, бир жон бўлиб коммунизм галабаси учун янада ғайрат билан меҳнат қилишга сўз бердилар.

Райондаги «КПСС XXVI съезди» совхози, район марказий касалхонаси, асфальт-бетон заводи, бошқа кўпгина хўжалик ва корхоналарда ҳам мотам митинглари бўлиб ўтди.

ҒАЛАБА

ЛЕНИН номли колхоз марказида улуғ Ленин ишларининг содиқ давомчиси, тинчлик, коммунизм учун оташин курашчи, замонамизнинг катта сиёсат ва давлат арбоби Л. И Брежневнинг порлоқ хотирасини ҳурмат билан эслаш учун юзлаб кишилар иштирокида мотам митинги бўлиб ўтди. Митингда сўзга чиққан илғор бригада бошлиғи Абдураззоқ Маъмиров йиғилиш иштирокчиларига мурожаат қилди.

— Атоқли революционер, партия ва халқимизнинг содиқ фарзанди Леонид Ильич Брежневни бевақт ўлим орамиздан олиб кетди. Унинг вафоти муносабати билан ер юзидаги барча прогрессив инсоният биз билан бирга мотам тутмоқда. Биз шунча йилларден бери Леонид Ильич бошқариб келган ленинча Марказий Комитет тевирагида мустаҳкам бирлашиб, бундан буён ҳам партиямиз бошлаб бораётган шонли йўлдан оғишмай бораверамиз. Бу йўлга садоқат, Ленин ишига садоқат, Л. И. Брежневга садоқатимиз бўлади деб қасамёд қиламиз.

Шунингдек, райондаги кўплаб корхона ва хўжаликларда ҳам митинглар бўлиб ўтди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ БИР КУНИ

ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА

● ВИЛЬНЮС. Литванинг барча нхтисослашган хўжаликларида қанд лавлагини кавлаб олиш тугалланди. «Дала — завод» конвейерининг пухта ишлаганлиги лавлаги кавлаб олишни қисқа муддатларда ўтказиш имконини берди. Кўчма ремонт устаханалари ҳосилни кавлаб олиш — транспорт комплексларининг тўхтовсиз ишлашини таъминлади. Комбайнлар ҳосилни йиғиштириб олингандан кейин экин майдонларни такрор ҳайдалди, бу эса ҳосилнинг нобуд бўлишини тугатиш имконини берди.

ПОТОК-УЗЕЛ МЕТОДИ

● КУЙБИШЕВ. «Госкомсельхозтехника»га қарашли Большечернигов район бирлашмасининг коллективи галла йиғиш комбайнларини планда белгиланганидан анча кўпини ремонтдан чиқарди. Машиналарни ремонт қилишнинг поток — узел методи жорий этилганлиги шундай натижага эришиш имконини берди. Шу мавсумда бирлашма районнинг қишлоқ хўжалик машина-механизмларини ремонт қилиш эҳтиёжини тўла-тўкис таъминлайди.

ҚУНГИЛЛИ ҚУМАКЧИЛАР

● ШЕКИ (Озарбайжон ССР). Мева тайёрловчилар ва уларнинг қўнгилли қўмакчилари — мактаб ўқувчилари, пенсионерлар, уй соҳибалари Катта Кавказ жанубий ёнбағирларида мева ва резавор мева йиғишни ташкил қилдилар. Республика матлубот союзининг маҳаллий контораси ҳозиргача 800 тоннадан кўпроқ қизил, ўрмон анори, наъматак тайёрлади. Бу пландан қариб икки баравар кўпдир. Консерва заводларига юзлаб тонна хом ашё юборилди.

ОБОРОТ СУВ ТАЪМИНОТИ СИСТЕМАСИГА ЎТКАЗИЛДИ

● ДУШАНБЕ. С. Оржоникидзе номидаги Душанбе арматура заводи оборот сув таъминоти системасига ўтказилди. Ишлатилган сув тозалангач, яна ишлаб чиқаришда ишлатилмоқда. Шаҳарнинг бошқа корхоналарида ҳам шундай технология жорий этилмоқда. Бу нарса ҳавзаларга булганч оқинди ташлашни йўқотишга, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга имкон беради.

● МОСКВА. ВДНХнинг «Радиоэлектроника» павильонида Латвия ССР корхоналари ишлаб чиқараётган замонги радиоаппаратураларга жуда катта ўрин берилган. Бу ерда «ВЭФ» заводи маҳсулотларига, айниқса эътибор катта.

Ю. Лизунов ва В. Созинов фотоси,

ТАСС фотохроникаси.

ҚУВУРАРИҚ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

● ЯКУТСК. Якутскда янги қувурариқ фойдаланишга топширилди. Унинг иссиқлик изоляцияси магистрал ҳатто 60 градусли совуқда ҳам бетўхтов ишлашига кафолот бўла олади. Қувурариқ шаҳарнинг сув таъминотини анча яхшилашга имкон беради.

ЯНГИ ФАБРИКА

● ПРЖЕВАЛЬСК. Бу ерда тикувчилик фабрикаси ишга тушди. Фабриканинг тўрт қаватли корпусида серунум машина-ускуналар ўрнатилган. Қирғизистон енгил саноати янги корхоналарининг қурилиши ва ишлаб турган корхоналарининг тубдан реконструкция қилиниши халқ учун ишлаб чиқарилаётган моллар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш имконини беради.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ҲАЙДАЛДИ

● РУДНИЧНИЙ. (Киров области). Верхнекамск фосфорит конининг коллективи мажбуриятларини муддатидан илгари бажарди. Йил бошидан буён пландан ташқари 20 минг тоннадан кўпроқ минерал ўғит ишлаб чиқарилди. Бу муваффақиятга асосий ишлаб чиқаришда ишончли-пухта ташкил этилганлиги, фосфорит таркибини майдалайдиган қувватлар ўзлаштирилганлиги туфайли эришилди.

БАҲОРГА — НАВЛИ УРУҒ

● ОЛМАОТА. Қустанай областининг деҳқонлари баҳорги экинлар экиладиган бутун майдон учун донли ва дуккакли дон экинларининг фақат навли районлаштирилган уруғини ғамладилар. Бу уруғнинг учдан икки қисмидан кўпроғи ҳозиргача тозаланди ва сараланди.

(ТАСС).

● ҚОЗОҒИСТОН ССР. «Чимкентшина» ишлаб чиқариш бирлашмасининг биринчи навбатн тўла ишга туширилди. Бу ерда енгил ва юк автомобиллари, тракторлар ва йўл техникаси учун шиналар тайёрланмоқда. Яқинда корхонада янги «Волга 3102»и ва «Жигули» автомобиллари учун шиналар тайёрлаш ҳам мувафф-қиятли ўзлаштирилди. Суратда: корхонанинг вулканизация цехида ўрнатилган ВПМ2—200 автомат-поток линия.

А. Идрисов фотоси,

ТАСС фотохроникаси.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

● ҒАЛАБА. «Заря коммунизма» колхози пахтакорлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажардилар. Мавжуд 703 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 44 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 3 минг 80 тонна «оқ олтин» армуғон этилди. Ан Хо Нам, Андрей Ким, Илья Ким ва Жамол Тўксентов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 40—49 центнерга тўғри келди. Ҳозирги кунда хўжаликда пахта йиғим-терими давом эттирилаяпти.

ШАХСИЙ НАМУНА

● ЧИНОЗ. Охунбобоев номли колхозининг Раим Аслонов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам мавжуд 55 гектар пахта майдонидан пландаги 34,7 центнер ўрнига 40,1 центнердан «оқ олтин» олиб, зиммадаги социалистик мажбуриятларини шараф билан уддалашди. Она-Ватанга 225,5 тонна пахта сотилди. Йиғим-терим ишларида бригада бошлиғи шахсий намуна кўрсатди. У «зангори кема» бункеридан 100 тоннага яқин пахта тўкди. Шунингдек, юксак хирмонинг тезроқ уйилишига механик ҳайдовчи Султон Файзуллаев, чевар теримчилардан Гулнора Нурбекова, Зубайда Қодирова ва Муккаррама Тўракелдиевалар муносиб ҳисса қўшишди.

60 ЦЕНТНЕРГА ЕТДИ

● БЕКОБОД. Навоий номли колхозининг Абдуманноп Холмуродов бошлиқ учинчи участкаси коллективи планни бажарди. Мавжуд 308 гектар пахта майдонидан 29 ўрнига 30 центнердан хирмон уюлди. Жами ҳосил салмоғи 950 тоннага етди. Қаршибой Жўраев, Рустам Абдуллаев ва Ҳамроқул Эшбековлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан 31—32 центнердан пахта олинди. Чевар теримчилардан Ойша Қурбонова, Мавжуда Сафарова ва Гулчеҳра Тўраеваларнинг ҳар бири шу кунгача 10 тоннага етказиб «оқ олтин» теряб олишди.

Шу райондаги «Далварзин» совхозининг Абдумутал Холиқов бошлиқ 1-бўлими заршунослари ҳам дастлабки довондан ошишди. Мавжуд 600 гектар пахта майдонидан 33 центнердан ҳосил олишди. Давлатга 2 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» армуғон этилди. Бобохон Отахонов бошлиқ бригадада ҳосилдорлик 60 центнерга етди.

«КЎКОРОЛ» ЁРДАМЧИЛАРИ

● БЎКА. Янгиобод шаҳридаги Ҳамза номли 4-ўрта мактаб ўқувчилари «Кўкорол» совхози пахтакорларига яқиндан ёрдам беришяпти. Улар шу кунгача совхоз далаларидан 200 тоннадан зиёд «оқ олтин» йиғиштириб олишди. Муҳаббат Имомова, Бахтиёр Пўлатов, Зайнаб Аҳмедова ва Шоҳсанам Жумақуловаларнинг ҳар бири ҳозиргача 2300—2500 килограммдан пахта теришди.

СЎНГГИ МАРРА ЭГАЛЛАНГУНЧА...

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг барча меҳнаткашларга Мурожаати Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти талабаларининг ғайратига ғайрат қўшди. Айни кунларда ўқув юртининг 4400 нафардан ортиқ талабаси Жиззах областининг Мирзачўл райони пахта далаларида фидокорона меҳнат қилмоқда.

— Йиғим-теримда ҳал қилувчи палла бошланди, — дейди институт партия ташкилотининг секретари К. Юсупов. — Республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмони тобора юксалиб, 6 миллионга яқинлашаяпти. Мана шу, мисқоллаб тераётган дур учун деҳқонларимиз катра-катра пешона терларини тўкишган. Шундай экан, унинг бир граммини ҳам нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш бизнинг виждон ишимиздир.

Ҳақиқатан ҳам институт студентлари пахтазорларда чинакамига жасорат намуналарини кўрсатиб меҳнат қилишаяпти. Факультетлараро мусобақада тарих, математика факультетларининг комсомол-ёшлари пешқадамлик қилишяпти.

Студентлар уйган хирмон 4000 тоннадан ошиб кетди. Талабалар мавсум охиригача яна кўплаб қимматли хом ашёни йиғиб-териб оладилар.

С. СУЛТОНОВ.

ПАХТА йиғим-теримининг ҳал қилувчи дамлари ўтиб бораётган шу кунларда Бўстонлиқ райони ишчи-хизматчилари, ўқувчилари ва ўқитувчилари ҳам Оққўрғон райони пахта далаларида заршусларга яқиндан ёрдам бераётгирлар.

Суратда: С. Сегизбоев номли совхоз бўлим бошқарувчиси И. Абдусаматов Товоқсой рўзғор химияси фабрикаси хашарчиларининг раҳбари Р. Мирзахоновга кўчма вимпелни топширмоқда.

В. Портнов фотоси.

„Оқ олтин" хирмонига

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 13 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун—районлар, иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун—мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — машинада мавсум бошидан буён.

БЎКА	0,02	118,18	113,80
ОҚҚУРҒОН	0,02	112,73	106,67
ПИСКЕНТ	0,02	108,83	109,59
ҒАЛАБА	0,01	107,74	105,84
БЕКОБОД	0,04	106,73	90,93
КОММУНИСТИК	0,04	105,98	103,81
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,03	105,77	100,72
ЯНГИЙЎЛ	0,02	105,03	102,27
ЧИНОЗ	0,12	102,50	100,11
Область бўйича:	0,04	109,04	103,13

ТЎЛА ТАЙЁР ҲОЛДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш техника таъминоти Давлат Комитетининг Тошкент тажриба ремонт механика заводи коллективи 18 декабрь — коммунистик шанбалик кунида юксак меҳнат унумдорлигига эришишга аҳд қилди. Бу ерда ҳар бир бригада, участка, цех учун аниқ график ишлаб чиқилган. маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми белгиланган. Шу куни корхона республика колхоз ва совхозларида ҳайдов тракторлари учун ремонтдан чиқарилган йиғирмата двигателни, уларнинг тикланган узел ва деталларини жўнатади.

СИФАТГА ЗЎР БЕРДИК

ПАХТАКОРЛАР учун оғир келган йиллар кўп бўлган. Асл, тадбиркор деҳқон ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил етиштириб, уни тўла йиғиштириб олади. Бизнинг хўжалигимизда ҳам ана шундай миришкорлар меҳнат қилишади. Шунинг учун ҳам йилдан-йилга «оқ олтин»дан уяётган хирмонимиз юксалиб бормоқда.

Юбилей йилида 1472 гектар майдонга барака уруғи қададик. Мақсадимиз Ватанга 5100 тонна юқори сифатли «оқ олтин» етказиб бериш эди. Ана шу юксак аҳдга яраша эрта баҳорданоқ барча ишлар ўз вақтида ва сифатли бажариб келинди. Ғўзаларга ишлов бериш, озиқлантириш, суғориш ишлари қиска муддатларда ўтказилиб эртаги ҳосил етиштиришга эришдик. Айниқса, ғўзаларни машинабоп қилиб ўстиришга алоҳида эътибор бердик.

Деҳқон учун йиғим-терим жиддий синов. Бунга пухта тайёргарлик кўриш керак. Мавжуд машина ва механизмларни дала ишларига тахт қилиш, теримчиларни ишга ўз вақтида сафарбар қилиш пировард натижада ишнинг қиска фурсатларда тугалланишини таъминлайди.

Бу йил йиғим-теримга ўз вақтида тушилиб ёғинсочинли кунларгача ҳосилнинг асосий қисми йиғиштириб олинди. Натижада давлатга биринчи сортга сотилган пахта умумий хирмонинг 90 процентини ташкил этди. Бунга, албатта машиналар туфайли эришилди. Колхозимизда 28 та йиғим-терим агрегати учта теримтранспорт отрядига бўлиниб ишлади. Машиналарнинг ҳар бири билан ўртача 172 тоннадан «оқ олтин» теришга эришилди. Бошқача қилиб айтганда шу кунгача терилган пахтанинг 96 проценти «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Терим бошиданоқ колхоз правлениеси ва партия ташкилоти томонидан тузилган махсус сифат комиссияси фаолият кўрсата бошлади. Бу комиссияга колхоз бош агрономи Ф. Ню бошчилик қилаётир. Улар асосан терилаётган пахтанинг сифатини текшириб боришяпти.

Дала даргаларимиздан А. Усмонов, М. Салоҳиддинов, Н. Файзиев, М. Чехалидзе, А. Қулбоев ўртоқлар ўз агрегатларини мохирлик билан бошқариб, 180—205 тоннадан ошириб пахта тердилар. Ж. Чехалидзе, О. Аниров, Э. Қўчқоров, Б. Ширинов, К. Раимқулов, М. Шарофбоев сингари тажрибали пахтакорлар етакчилик қилаётган бригадалар ҳар гектар ердан 38—41 центнердан «оқ олтин» олиб, мусобакада пешкадамлик қилишяпти. Бу илғорлар юбилей йилида хосилдорликни 45 центнерга етказишга аҳд қилганлар.

«Оқ олтин» йиғим-теримида ҳал қилувчи дамлар бошланди. Колхозимизда мавсум ни тезроқ ва муваффақиятли тугаллаш учун умумий сафарбарлик эълон қилинди. Коммунистлар, комсомоллар, ўқувчилар, пенсионерлар ҳамма бугун пахтазорга отланган. Баҳоли қудрат қўлларидан келганча «оқ олтин» теріб, юбилей йили хирмонимизни тезроқ бунёд этишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати улар ғайратини янада жўш урдириб юборди. Мурожаатдаги «Юбилей йилининг планлари ва социалистик мажбуриятларини уддаламоқ учун ҳамма жойда беиҳоя зўр қатъият ва сабот-матонат, техникадан ва одам ресурсларидан самарали фойдаланиш маҳоратини кўрсатиш, ҳамма резервларни ишга солиш зарур», деган сўзларга жавобан ҳар бир киши далаларда жасорат намуналарини кўрсатмоқда. Зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятни ҳам тезроқ уддалаш учун барча имкониятларни ишга солмоқдамиз.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти йиғим-теримда иштирок этаётганларга тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Теримчилар ўртасидаги мусобакага ҳар беш кунда якун ясалиб, илғорлар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб борилмоқда. Куз ҳавосининг кескин совиб кетганлигини ҳисобга олиб, ҳашарчилар ва колхозчиларга иссиқ кийим, этиклар тарқатилди. Мавжуд 14 та дала шийпонига печкалар ўрнатилиб, ўтин ва кўмирлар етказиб берилди. Кунига икки маҳал иссиқ овқат тайёрланмоқда.

Дала ишларига кўпроқ кишини жалб этиш мақсадида йиғиб-териб олинаётган кўсаклар марказлашган пунктда чувилмоқда. Бу эса 80—90 ишчи кучини тежаш имкониятини бераётир. Улар бевосита теримда иштирок этиб, хирмонга салмоқли ҳисса қўшаётир.

Эндиликда терилаётган пахта учун ҳак тўлашнинг ҳам янги усули қўлланмоқда. Жумладан, колхозчи, хашарчи белгиланган нормани бажарса ҳар килограмм пахта учун 10—12 тийиндан ҳак тўланади. Нормадан оширилган «оқ олтин» учун эстама мукофот пули бериб бориляпти.

Шу кунларда хўжалигимиз далаларида деҳқонларимиз билан елкама-елка меҳнат қилаётган Чирчиқ шаҳридан келган ишчилар ва ўқувчилар ишидан ҳаммамиз хурсандмиз. Айниқса, 160-қурилиш трести ишчилари, 14 ва 18-ўрта мактаб ўқувчилари кунлик кўрсаткичда энг юқори натижаларга эришиб, мусобакада пешкадамлик қилишяпти. Уларнинг кўмаги билан хирмонимиз тобора юксалмоқда.

Даладаги ҳосилнинг бир граммини ҳам ерда қолдирмай йиғиштириб оламиз. Бугун Ватанимизнинг шонли 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда белгиланган барча марраларни албатта эгаллаймиз.

Қ. СОТТИБОЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози раиси.

ОЛТИН ХИРМОНЛАР

Уйилаётган «оқ олтин» хирмонлари олтин тўққилар мисол ғўзга яна ҳам яққолроқ ташланмоқда. Район меҳнаткашлари юбилей йилида ҳар қачонгидан ҳам юксак хирмон яратиш ишқидадирлар. Шу мақсад сари интилиб, 12 октябрдаёқ дастлабки марра эгалланди. 57 минг тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этилиб йиллик план муваффақиятли бажарилди. Ҳосилнинг 92 проценти «зангори кема»лар билан йиғиштириб олинди.

Пахта йиғим-теримида ёшлар зўр жасорат кўрсатдилар. Районда 32 та комсомол-ёшлар бригадаси меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳар бири гектар бошига 45—50 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштиришга бел боғлаган. Юқори ҳосилли комсомол-ёшлар бригадаларининг бирига Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Турдихон Қосимова раҳбарлик қилаяпти.

Турдихон Қосимова меҳнат қилаётган «Коммунизм» совхози коллективи бу йил ҳосилдорликни 40 центнердан оширишга бел боғлаган. Турдихон бошлиқ коллектив эса гектар бошига 50 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилган. Ёшлар бу йил 50 гектарлик майдонда деҳқончилик қилишди. Агротехника қоидалари асосида парваришланган ғўзалар мўл ҳосил берди. Ҳозиргача бу картлардан теріб олинган пахта 350 тоннадан ошиб кетди.

Шу коллективдаги яна бир комсомол-ёшлар бригадасига коммунист Замира Рўзиматова раҳбарлик қиляпти. Бу бригада ҳам йил сайин пахтадан мўл ҳосил етиштириб келмоқда. Ўтган йили улар 40 центнердан ошириб пахта олишган эди. Бу йил эса 45 центнерлик маррани кўзламоқдалар. Аҳдига вафодор ёшлар қиска вақт ичида йиллик планни ҳам, мажбуриятни ҳам адо этиб қўйдилар.

Етиштирилаётган ҳосилнинг асосий қисмини машиналарда йиғиштириб олинди. «Победа» колхозининг мохир механик-ҳайдовчиси Ўроқбой Нишонов бу йил ўз агрегатини тўла қувват билан ишлатиб салкам 300 тонна «оқ олтин» теришга муваффак бўлди. Ўроқбой меҳнат қилаётган бригада коллективи пландаги 38 центнер ўрнига 45 центнердан ҳосил олишга ваъда қилган. Ёш пахтакорлар ўз ваъдаларининг устидан чиқиб, ҳозир ҳосилнинг қолган қисмини ҳам тез фурсатларда йиғиштириб олиш учун курашмоқдалар. Свердлов номли колхоздан Қўчқор Тўрабоев, Узоқ Фармонов каби ёш механизаторлар ҳам юбилей йилида зўр ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Уларнинг ҳар бири 300 тоннага етказиб хирмон уйди.

Ҳозир райондаги ҳар бир киши ўзини пахтакор деб ҳис этмоқда. Йиғим-терим қизиғи бошланган дамларда район маркази ва ишчи поселкалари ёшларидан иборат ўнлаб зарбдор отрядлар тузилди. Уларга кейинроқ ўқувчилар ҳам қўшилишди. Ҳозир ёшлар ҳосилнинг қолган қисмини ҳам тез ва соз йиғиштириб олиш учун курашни авж олдирганлар. Юбилей йилида район «оқ олтин» миришкорлари 66 минг тонналик хирмон уйиш учун курашмоқдалар. Йиғит-қизлар бу курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Республика партия ва ҳукуматининг мурожаати ёшларни яна ҳам унумли ишлашга, терим суръатини оширишга ундамоқда.

З. ТОШМУХАМЕДОВА,
М. ШАРИПОВА,
Ғалаба райони.

«МЕНИНГ ВАТАНИМ — СССР» МАРШРУТИ БЎЙИЧА

Бу билим ўчоғида фаолият кўрсатаётган туристик-ўлкашунослик тўгараги аъзолари қатор ибратли ишларнинг ташаббускорлари бўлишди. Чиндан ҳам Тошкентдаги 34-мактаб ҳузуридаги мазкур тўгарак ўлкамизни ўрганишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Ўлканинг бойликларини ўрганиш, фойдали қазилма ва минералларни қидириб топиш, шифобахш ўсимликларни тўплаш борасида ҳам ёш ўлкашунослар дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар. Ана шу жўшқин фаолияти учун у ўқувчиларнинг «Менинг Ватаним — СССР» Бутииттифоқ туристик-ўлкашунослик экспедицияси қатнашчиси бўлди.

Бу йилги ёзги каникулда тўгарак аъзолари Оржоникидзе районидаги Тузель қишлоғида доривор ўсимликларни тўплаш билан машғул бўлдилар.

Жонажон ўлкани ўрганиш бўйича ташкил этилаётган маршрутларда ҳам ёш турист-ўлкашунослар актив қатнашмоқдалар. «Менинг Ватаним — СССР» маршрути асосида Тошкент области бўйича 30 та поход уюштирилди. Энг актив ёш ўлкашуносларга «СССР туристи» деган ном берилди. «СССР-нинг ёш туристи» нишони билан эса 10 ўқувчи тақдирланди.

С. ОДИЛОВА.

● БУГУНГИ кунда ички ишлар органлари фаолиятида илғор иш усуллари, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларидан самарали фойдаланилмоқда.

Суратда: Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекцияси рўйхатга олиш-имтиҳон бўлимасининг бошлиғи, милиция капитани Х. Мирзараҳимов (ўнгда) Собир Раҳимов район спорт-техника клуби ўқитувчиси С. Зайнуддинов ва милиция майори В. С. Антоновни яқин келажакда республика пойтахтида қуриладиган автодром макети билан таништирмоқда.

А. Рисқиев фотоси. (ЎзТАГ).

ВЕТЕРАН УИ МУЗЕЙИ

ТОШДА ЯШИРИНГАН НАФОСАТ

ТОШКЕНТЛИК коллекционер Сергей Васильевич Букатин Ўзбекистон территориясида учрайдиган минераллар ва фойдали қазилма бойликларининг ажойиб намуналаси билан таништира бошлади. Уларнинг умумий салмоғи эса кўп эмас, оз эмас —бир тоннага яқин. Қимматбаҳо тошлар, саноатимизда қўлланилаётган турли хом ашёлардан ташкил топган 300 га яқин минерал ўлкамизнинг бой табиати ҳақида ҳикоя қилади. Сергей Васильевич буларни сеиб тўплаш бежиз эмас.

— Ҳозир — қариликка ташлини суряпман,— дейди у.— Аввалари геолог бўлиб ишлаганман. Ўша кезларда ўлкамизнинг кўпгина ерларини яёв кезиб чиқишга тўғри келди. Ҳозирги коллекциямдаги ҳар бир жинс кўп йиллик меҳнат, қатор экспедицияларнинг «даракчи»си дейиш мумкин. Умуман, уларни атайлаб тўплаган эмасман. Одатда ҳар бир экспедициядан бўш қайтмаслиққа ҳаракат қилардим. Пиллар ўтди. Хонада махсус токчалар яратишга тўғри келди...

Сергей Васильевичнинг айвонидаги токчалар турли рангдаги тошлар билан лиқ тўла. Айниқса, ақиқ, аметис, фируза тошлари кўзга яққол ташланади.

Тошкентлик коллекционер мамлакатимизнинг турли бурчакларидан хатлар олиб туради. Унга ҳамкасб ҳаваскор дўстлари муайян минерални вақтинча жўнатишни илтимос қилиб мактуб йўллашади. Бу бежиз эмас, албатта. Букатич юзга яқин турдаги тог биллур тошларини тўплашга муваффақ бўлди. Иттифоқимизда буйдай «ҳазина»га эга бўлган музейлар ҳам кўп эмас. Шу сабабли Сергей Васильевич иложи борича улар билан ўртоқлашади. Ўлкашунослик музейларида ҳам унинг коллекциясидан келтирилган намуналарни учратиш мумкин.

Бундан ташқари С. Букатич тоштарош уста ҳамдир. У аметис тошидан ясаган капалак шаклидаги маржон жозибадорлиги билан кишн диққатини ўзига тортади. Тақинчоқларга унчалик майли бўлмаган аёллар ҳам унга ҳавас билан қарашади, десам муболаға бўлмайди.

— Ҳар бир минералдан шунга ўхшаш узук, тўғнагич, маржон, зирак, қатор бошқа тақинчоқлар яратиш мумкин, — дейди тоштарош уста.— Бунинг учун фақатгина тошда яширинган нафосатни илғаб олиш лозим. Шундан сўнг, кўримсизгина минерал ўз сирларини очиб бадиий асарга айланади.

Ю. ЕВГЕНЬЕВ.

ОБЛАСТЬ ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

ПОЙАБЗАЛЧИЛАР УЙИ

«Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пойафзал уйи ташкил этиладиган бўлди. Космонавтлар проспекти яқинида барпо этилаётган метро линияси ёнида амалга оширилаётган барча реконструкция ва яратувчилик ишлари бош план асосида бажариляпти.

«Ташгипрогор» институтининг лойиҳачилари бининг ўзига хос кўринишда бўлишига ҳаракат қилдилар. Беш қаватдан иборат бўладиган бинони алюминли қуёш тўсқич воситалари безаб туради. Биринчи қаватда соатсозлик, сартарошлик, кийимларни химия усулида тозалаш пункти, тикувчилик ва трикотаж ателъелари хизмат кўрсатади.

Бино Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи арафасида фойдаланишга топширилиши керак. Шунинг учун ҳам «Висотстрой» трестининг 75-қурилиш бошқармаси коллективи қиладиган ишлар иш усулларини қўлланиб меҳнат қилмоқда.

Шаҳарда янги микрорайон

Келес шаҳри кун сайин чирой очиб, янги замонавий биноларн билан бойиб бормоқда. Бу ерда юзлаб хонадонга мўлжалланган комплекс турар жой биноларининг қурилиши бошлаб юборилганига анча бўлди. Яқинда яна иккита 16 квартирали бино фойдаланишга тахт этиб қўйилди. Кўп ўтмай район марказидан 5 километрлик марказлаштирилган канализация коллектори ўтказилади. Ана шундан сўнг микрорайонда бир қатор кўп қаватли иморатлар қуриш учун қулай имконият туғилади.

Қурилиш ишлари ниҳоясига етказилгач, шу ернинг ўзида иккинчи янги микрорайон барпо этила бошлайди. Айни палада мутахассислар унинг лойиҳасини тайёрлаш устида иш олиб бормоқдалар. Қурувчилар ва лойиҳачилар аҳоли учун барча қулайликликлар яратиш мақсадида турар жой биноларининг яқинида болалар боғчаси, мактаб, умумий овқатланиш тармоқлари ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларининг барпо этилишига ҳаракат қилмоқдалар.

КОЛХОЗ ҚУРУВЧИЛАРИ

Бекобод районидаги Навоий номли колхоз қурувчилари шу беш йилликнинг ўзида атогараж, нефть базаси, ёнилги-мойлаш станцияси, 1000 тонна ўғит сақлашга мўлжалланган омборхона ва қатор бошқа объектларни қуриб битказдилар. Бундан ташқари пахтачилик бригадаларида яна бешта дала шийпони қуриб берилди.

Қурувчилар эндн ёрдамчи объектларни барпо этишга киришдилар. Чунончи, колхознинг 2-участкасида 4 минг квадратметр катталиқдаги бунтлаш майдони қурилиши ниҳоясига етказилянти. Худди шу ернинг ўзида янги ошхона ҳамда дам олиш хоналари барпо этилади. Колхоз қурилишининг бош планида келгуси йили биринчи участкада ана шундай комплекс барпо этилиши кўзда тутилган.

М. ЗАРИПОВ.

Редактор Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П, ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар—334048, 325354; партия турмуши—325778; пропаганда—325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 02345. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1728.